Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 107 (7. 196) ◎ 1990 йил 12 май, шанба Баҳоси 3 тийин

КЕКСАЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

Ўзбекистон ССР Президентининг ветеранларимизга қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги Фармони ўзининг аниқ-равшанлиги билан эътиборни тортади. Умумий сўзлар, дудмал ибораларга йўқ. Дарҳақиқат, оғир уруш йилларида мамлакатни ҳимоя қилган, Ватан олдидаги бурчини бажариб, куч ва соғлиғини аямаган кишилар алоҳида эътиборга лойиқдирлар.

Тошкентда 240 мингдан кўпроқ ветеран, шу жумладан 26 мингдан зиёд уруш ветерани, уч мингдан ортиқ байналмилалчи жангчи яшаб турибди. Буларнинг ҳаммаси ҳам моддий жиҳатдан етарли таъминланган эмас, уй-жой шароитларини ҳал қилишда ҳам уларга ёрдам керак. Яқинда текшириб чиқилган тўрт минг ветерандан бир ярим минг нафари ёрдамга муҳтож. Шаҳар ветеранлар ташкилоти уларга ёрдам бериш учун ўзи ҳам кўп иш қилмоқда. Ленин, Акмал Икромов районларида ветеранлар марказлари тузилган, шаҳарнинг бошқа районларида ҳам шундай марказлар ташкил қилинади. Бу йил муҳтожлар учун интернат уй қуриш режалаштирилмоқда, ветеранларнинг ва байналмилалчи жангчиларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга, ногиронлик спортини ривожлантиришга кўп эътибор берилмоқда. Бизнинг ҳамма ишларимизда меҳр-мурувват ва Қизил ярим ой шаҳар жамиятлари яхши кўмак бермоқдалар.

Республика Президентининг Фармони бизнинг куч-ғайратларимизга сезиларли мадад беради. Аммо маҳаллий идоралар бу фармонни амалга оширишни пайсалга солмасликлари, муҳтожларга самарали ёрдам беришлари муҳимдир. Ветеранлар эса ғамхўрлик учун раҳмат айтиб, қайта қуришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда партия билан ҳукуматга янада зўр ғайрат билан кўмаклашадилар.

Л. СУЗДАЛЬЦЕВА,
Уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар кенгашининг масъул котиби.

XXVII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ



◎ XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида. Т. Каримов ва Р. Шарипов суратн.

◎ **ХАБАР бериб ўтилганидек, кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг катта мажлислар залида XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларининг амалга оширилиши, шаҳар партия ташкилотида қайта қуришнинг бориши ҳақидаги ҳисоботи, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси ва КПСС Устави лойиҳаси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилишда Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов, «Средазгазавтоматика» заводининг токари Н. В. Ефимов, Тошкент мотор заводининг директори Ш. А. Алимов, Тошкент Давлат дорилфунунининг ректори Э. Ю. Юсупов, шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Қ. Ф. Фозилхўжаев, Бектемир район партия комитетининг биринчи секретари Г. И. Соболев, шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиси Ҳ. Ғ. Қодирова, Ҳамза район Совети ижроия комитетининг раиси В. П. Плотников, СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари К. К. Бегалиев, «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг ишчиси А. С. Давлетова, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Ж. А. Ҳакимов, тепловоз ремонти заводининг ишчиси И. М. Юношев, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари О. Ж. Исмоилов, СССР Ички ишлар вазирлиги Олий-инженерлик ўт ўчириш мактаби Тошкент факультетининг бошлиғи, Тошкент шаҳар Советининг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссияси раисининг ўринбосари Б. Э. Қосимов, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг қуювчиси Б. Бойсаров, «Компрессор» заводининг директори В. В. Фрошгейзер, «Ёш гвардия» театрининг актёри Г. М. Жамилова, синов автомобиль ишлаб чиқариш корхонасининг ҳайдовчиси Н. Тожиев қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов конференция қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Конференцияда тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан А. И. Фозилбеков Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва биринчи секретари этиб, Ю. А. Асепков Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва иккинчи секретари этиб, илгари шаҳар партия комитети мафкура бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Х. М. Абдураимов Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва секретари этиб сайландилар.

Конференция қатнашчилари Тошкент шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органларини сайладилар, шаҳар партия ташкилотидан юқори партия органлари таркибига ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ҳамда КПСС XXVIII съездига делегатликка номзодларни кўрсатдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли резолюциялар қабул қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, А. С. Ефимов, А. И. Икромов, С. Мамарасулов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қатнашдилар.

Шу билан конференция ўз ишини якунлади.

Сўз—анжуман қатнашчиларига

МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК

◎ **XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси баҳсларга бой, қизиқарли, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Шаҳар партия комитетининг ҳисоботи билан илгаридан танишишга муяссар бўлган делегатлар қизғин мунозарага киришиб кетдилар. Сўзга чиққан нотиқлар ошкора руҳда фикр юритдилар, партия тўғрисида, унинг ҳозирги аҳволи тўғрисида куюниб гапирдилар. Мухбиримиз конференция делегатларининг бир нечтаси билан суҳбатлашди.**



Абдулла КАЛОНХЎЖАЕВ,
Ленин район «Автодормехбаза»си ҳайдовчиси.

— Коммунистларнинг бундай анжуманида биринчи марта қатнашаяпман. Тўғриси, ҳаяжонландим. Сўзга чиққанлар шаҳар партия ташкилотининг ишига тўғри баҳо бердилар, шу кундаги энг муҳим муаммолар хусусида тўхталдилар.

Мен конференцияда шунга ишонч ҳосил қилдимки, партия ўз мавқеини, ўз обрўсини мустаҳкамлаб боряпти. Партияга халқнинг ишончи ортмоқда. Айниқса Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг конференцияда сўзлаган нутқидан сўнг менда партияга бўлган ишонч янада ортди. Биз ҳозирги кунда қуруқ гап-сўз билан айланишиб қолмай, балки тезроқ амалий ишга ўтишимиз керак. Ҳозир мингта гапдан битта иш яхши. Бу ҳақда Президентимиз жуда ўринли гапириб ўтдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг ташаббусига кўра партия комитетларининг аппаратлари қайта тузила бошланди. Ходимлар сонини умуман қисқартирган ҳолда қатор сайлаб қўйиладиган органлар ва доимий комиссиялар аъзоларининг меҳнатига улар асосий ишдан озод қилинган ҳолларда партия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш кўзда тутиляпти. Ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқларини имкони борича кенгайтирмай туриб коммунистларнинг фаоллигини ошириш қийин. Ҳисоботда партия ишини тубдан қайта қуришнинг йўл-йўриқлари, ютуқ ва камчиликлари тўғри кўрсатилган деб ҳисоблайман.



Авазхон АЗИЗОВ,
2-вагон депоси бошланғич партия ташкилотининг секретари.

— Бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан бири — бу партия сафларини мустаҳкамлашдан иборат. Ҳисоботда айтилишича, шу кунгача 476 коммунист партия билетларини топширибди. Менинг билишимча, бундай кишиларнинг муайян қисми КПСС сафида бўлиш орқали қандайдир бир афзалликни кўзлаган нопок шахслардир. Партия ўз бошидан ана шундай бир оғир шароитни кечираётган бир пайтда бундай кишиларнинг бу қилмишини кечириб бўлармикан? Ахир бир пайтлар улар бу юксак номга эътиқод қўйиб эришган эдилар-ку! Наҳотки, энди шундай бир оғир пайтда партияни қўллаб-қувватлаш ўрнига уни осонгина тарк этиш керак?! Шу ўринда айниқса менга республика Президенти И. А. Каримовнинг сўзи жуда маъқул тушди. У ўз нутқида ҳамманинг кўнглида ғалаён қилиб турган муҳим саволларга жавоб бериб ўтди. Бу ҳозирги мураккаб бир жараёнда кишиларнинг кайфиятига ижобий таъсир этади. Сиёсат одамларга коммунистлар орқали ўтказилади. Шунинг учун ҳам партияга сиёсий етук кадрлар керак. Уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ҳеч қачон янглишмаслигимиз лозим. Биз коммунистларнинг мақсади муштарак. У ҳам бўлса партиянинг обрўсини мустаҳкамлаш, уни жамиятимизда етакчи сиёсий кучга айлантиришдир. Шаҳар партия конференциясида ана шулар ҳақида очиқ-ойдин айтилгани мени бир оддий коммунист сифатида ғоят қувонтирди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. ФОЗИЛБЕКОВнинг

XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясидаги

КИРИШ СЎЗИ

Ўртоқлар!

Шаҳар партия ташкилотининг бу сафарги конференцияси мамлакатимиз учун масъулиятли ва жуда мураккаб бир пайтда ўтаяпти. Бу давр ҳамма жойда рўй бераётган қайта қуриш жараёнларининг мислсиз суръатлари, кўлами билан белгиланади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётга демократия, ошкоралик, ижодий фаоллик, қайта тикланаётган миллий урф-одатларнинг илҳомбахш жараёнлари дадил кириб бормоқда. Биз илгари кўникиб қолган тартибларни ва кўрсатмаларни даврнинг ўзи рад этмоқда.

Бугун шаҳар партия ташкилотининг XXVI ҳисобот-сайлов конференциясидан кейинги ўтган даврни таҳлил қилиб, объектив ижтимоий жараёнлар бизнинг кўпгина истиқболли режаларимизни ва ишланмаларимизни қайта кўриб чиқишга мажбур этмоқда, партия ташкилотларини устун даражада ишнинг сиёсий усулларига йўналтирмоқда, деб айтиш мумкин.

Вазият қилинган ишларга холисона, аниқ ва равшан сиёсий баҳо берилишини, шу куннинг принципиал масалалари бўйича аниқ партиявий нуқтаи назарлар ишлаб чиқилишини талаб қилмоқда. Биз мақсадларимизни воқелик деб талқин этмаслигимиз, рўй бераётган жараёнларни бенуқсон деб кўкларга кўтармаслигимиз, умумий қийинчиликлардан ва ўз хатоларимиздан кўз юммаслигимиз керак. В. И. Ленин ёзганидек: «Камроқ «раҳбарлик», кўпроқ амалий иш, яъни камроқ умумий мулоҳазалар, кўпроқ ниманиларда, қандай шароитларда, қай даражада биз олга бораяпмиз ёки бир ерда турибмиз, ёҳуд орқага чекиндикми, ана шуни кўрсатувчи далиллар, текширилган далиллар бизнинг шак-шубҳасиз шиоримиз бўлиши керак».

Афтидан, ушбу конференция ишига ҳам ана шундай ёндошиш керак.

Шаҳар партия комитетининг сизларга тарқатилган ҳисобот докладида аввалги конференция қарорининг муайян бандларини бажариш юзасидан ҳисобот бериш билан бирга, шаҳарда партиянинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини амалга ошириш, миллатлараро муносабатлар билан, ижтимоий-сиёсий турмуш жараёнлари, партиянинг ўзидаги муносабатларини қайта қуриш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишнинг биз кўриб турган йўлларини очиб беришга ҳам ҳаракат қилинган. Конференцияда таҳлил асосида шаҳар партия ташкилотида вужудга келган аҳволга жамоа баҳосини бериш, ҳозирги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ривожланиши оқибатларини олдиндан кўра билиш, жамиятни жипслаштирувчи сиёсий куч сифатида партияни мустаҳкамлаш йўлларини белгилаш жуда муҳимдир. Конференция КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари қабул қилинишига қадар бўлажак ишларнинг чизгиларини белгилашга даъват этилган. Биз қандай лойиҳа бўйича қандай бунёдкорлик ишларини олиб боришимизни аниқ-равшан тасаввур этишимиз керак.

Бугунги кунда бизни айниқса ҳаяжонлантираётган, нуқтаи назарларимиз ишлаб чиқилишини тақозо этаётган масалалар доирасини белгилаб олсак тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Энг аввало бу — шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларидир. Иқтисодиётнинг қайта қуриш тақдири учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, конференция туб иқтисодий ислоҳотнинг бориши, бундан кейинги ўзгаришларнинг, биринчи навбатда бозор иқтисодиётига ўтиш, жумҳурият пойтахти иқтисодий имкониятларини ижтимоий қайта ихтисослаштиришни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг истиқболига доир ўз сиёсий нуқтаи назарини баён этиши керак.

Сизларга статистика маълумотларининг тўплами тарқатилган. Унда ҳисобот даврида Тошкентнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари нисбатан батафсил ёритилган. Умумай улар ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг бутун мураккаблигини эътироф қилиш билан бирга, шаҳар партия комитетлари ва партия ташкилотларининг аксарияти меҳнат жамоаларининг куч-ғайратини эришилган марраларни мустаҳкамлашга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг айрим йўналишларидаги «қолоқликларни» енгиб ўтишга, улкан натижаларни қўлга киритишга сафарбар этишаётгани ҳақидаги хулосани тасдиқлайди.

Катта қийинчиликлар билан бўлса ҳам шаҳар халқ хўжалигини бошқаришнинг янги системаси вужудга келтирилмоқда, корхоналарни хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молиявий таъминлаш шароитида ишлашга ўтказиш давом этмоқда. Меҳнаткаш инсон ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайинига айланиши керак.

Шу ўринда шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан ҳисобот даврида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети «1991 — 1995 йилларда Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилашга, шаҳарнинг тарихий районларини реконструкция қилишни жадаллаштиришга доир биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида» қарор қабул қилганликларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ушбу ҳужжат қабул қилинишидан олдин шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан шаҳарни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш юзасидан қунт билан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. У мутахассислар томонидан кенг муҳокама қилинди, аҳолидан тушган жуда кўп таклифларни ўз ичига олди ва давлат план комитети, жумҳурият ҳукумати ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети даражасида қўллаб-қувватланди.

Лекин шу билан бирга шаҳарда мураккаб молиявий аҳвол сақланиб турибди, бозор издан чиққан, аҳолининг талайгина қатламлари нисбатан кам таъминланган, иқтисодий вазият кескин бўлиб турибди.

Ҳозирги муаммоларнинг ҳаммаси — молия ва фаровонлик, фан-техника инқилоби ва меҳнат унумдорлиги, моллар ва хизматларнинг сони ва сифати социалистик бозорнинг ривожланмаганлигига бориб тақалган. Шунинг учун ҳозир, давлат бозор иқтисодиётига ўтишнинг комплекс масалалари ишлаб чиқилаётган бир пайтда, биз барча оқибатларни диққат билан ҳисобга олишимиз керак.

Бу шунинг учун ҳам ғоят даражада муҳимки, ҳисобот даврида шаҳар партия комитети ҳамиша ҳам район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини бажаришга доир амалий ишлар ўзанига солиб юборишга муваффақ бўлолгани йўқ.

1989 йилда шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан яна икки муҳим ҳужжат: қурилишнинг Бош режаси асослари ва «Маҳалла» дастури ишлаб чиқилди. Ўйлайманки, ўн учинчи беш йилликдаги фаолият учун яхшигина замин ҳозирлаб қўйилди. Сиёсий соҳада олдимизда ҳақиқий, амалдаги халқ ҳокимиятини қарор топтириш, уни барча турфа шакллар ва жараёнлар билан тўйинтириш вазифаси турибди. Ҳисобот даврида бу борада ҳам яхшигина имкониятлар вужудга келтирилди. СССР, Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг, маҳаллий Советлар депутатларининг сайлови чинакам демократия шароитида ўтди, жойларда давлат ҳокимияти органлари тузилди. Энди сиёсатимизни депутат-коммунистлар орқали изчиллик билан, аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиш, шаҳар партия ташкилотининг сайловларга тасдиқланган дастурини амалга ошириш ғоят даражада муҳимдир.

Халқ ҳокимияти демократик жамият, қонунга ҳурматга асосланган ҳуқуқий давлат, фуқароларнинг юксак сиёсий маданияти шароитидагина чинакам яратувчи, амалий кучга айланади. Бу борада олдимизда беқиёс ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишлар турибди.

Агар биз ишларимизни етарли даражада ўйламай, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ҳар томонлама таҳлилини ҳисобга олмай олиб борадиган бўлсак қайта қуришнинг демократия каби ютуғи ҳам ошкоралик, рўй-ростлик, ташаббускорлик каби ажойиб принциплари билан бирга номуносиб, демократияга зид мазмун билан тўлиб бориши, миллий масалаларнинг ғоят даражада нозик торларига тегиб кетиши мумкин эканлигини давр кўрсатди. Шунинг учун шаҳар партия ташкилотининг бутун мафкуравий ишларини яна бир бор қайта кўриб чиқиш, уни энг аввало фуқаро-инсонни тарбиялашга, унинг энг яхши маънавий ва сиёсий фазилатларини шакллантиришга, ғояларга, партиянинг мақсадларига, унинг дастурий қўлланмалари ва кўрсатмаларига ишончини мустаҳкамлашга қаратиш жуда муҳимдир. Одамларни айнан партиянинг мақсадлари теварагида, қайта қуришнинг амалий вазифаларини ҳал этиш манфаатлари йўлида бирлаштириш шаҳар партия ташкилоти мафкуравий ишларини янгилашнинг мазмунини ташкил этади.

Айни вақтда биз демократик қоидалар бўйича иш кўрувчи янгиланган партиянигина қайта қуришнинг етакчи кучи ҳуқуқига эга бўлишини аниқ-равшан идрок этишимиз керак. Бугунги кунда партиянинг обрўйи, унинг сиёсий таъсир даражаси кўп жиҳатдан КПСС тўпланиб қолган муаммоларни енгиб ўтишнинг амалдаги дастурини ишлаб чиқиб, уни партияга бўлаётган кескин ҳужумларга қарама-қарши қўя оладимни-йўқми, ана шунга боғлиқ бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг февраль (1990 йил) Пленуми томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси ана шу мақсадларга хизмат қилади. Мазкур лойиҳа кенг, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Ҳаракат дастури лойиҳасининг муҳокамаси чоғида коммунистлар билдираётган турли-туман фикрларга қарамай ҳамма асосий нарсада — демократия ва ошкораликни ривожлантиришнинг олдинги марраларида қатъият билан ҳаракат қилиш, сиёсий етакчилик ҳуқуқини амалий ишлар билан ҳимоя қилишга тайёр бўлиш зарурлигида якдилдир.

Партияда демократиялаш жараёни кучга тўлиб бориши керак. Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари фаолиятининг кўринишлари ва усулларини янгилаш, уларнинг аппаратлари роли ва вазифаларини ўзгартириш орқали биз асосий мақсадга: бошланғич партия ташкилотларининг аҳамияти ва мустақиллиги ошиб боришига, сайлаб қўйиладиган органларнинг бошчилиги, партиялилар оммаси ҳокимиятининг устунлиги қарор топишига, партия сафларининг ғоявий бирлиги ва ташкилий жипслиги мустаҳкамланишига эришишимиз керак.

Шаҳар партия ташкилотида ниҳоясига етиб бораётган ҳисобот-сайлов кампанияси давомида ана шу вазифани ҳал этиш йўлида биринчи қадам қўйилди. Ҳисобот-сайлов кампанияси натижаларини баҳолаб, шаҳарнинг партия комитетларидаги ва партия ташкилотларидаги ишларни тубдан жонлантириб юбориш учун юксак имкониятларга ва қобилиятга эга бўлган коммунистнинг саводли, ваколатли ва ташаббускор фаоллари шаклланди, деб дадил айтиш мумкин. Шаҳар партия комитетининг ҳисобот доклади шаҳар партия ташкилоти ҳаётининг кўп қиррали муаммолари бутун комплексининг тўла ёритилишига даъво қилмайди. Биз эътиборни ҳозирги сиёсий вазиятнинг асосий масалаларига жалб этишга ҳаракат қилдик. Конференция делегатлари ўз нутқлари билан ҳисоботни тўлдиришади, урғуларни жой-жойига қўйишга ёрдам беришади, деб ўйлайман.

Шаҳар партия комитети ўз ваколатларини топширар экан, XXVII шаҳар партия конференциясининг делегатлари амалга оширилган ишларнинг таҳлилига талабчанлик билан, танқидий ёндошадилар, энг муҳими шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига партия таъсирини кучайтиришга доир, шаҳар партия ташкилоти обрўйини янада оширишга доир аниқ чоратадбирларни ишлаб чиқадилар, деб ишонч билдиради. Конференция қарорлари умумий ишимизга — инсонпарвар, демократик социализмни бунёд этиш ишига ҳар бир коммунист ўз куч-ғайратини ва имкониятларини сафарбар этишига хизмат қилиши лозим.

Тошкент шаҳар Совети депутатлари диққатига!

Тошкент шаҳар Совети «Билим» жамиятининг шаҳар ташкилоти билан биргаликда ташкил этаётган ўқиш 1990 йил 14 майдан 19 майгача Билимлар уйида (Киров кўчаси, 24-уй) бўлади.

Машғулотлар соат 9.00 да бошланади.

Депутатлар 14 май соат 8.30 дан рўйхатга олинади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-28-19, 33-72-38, 56-69-84.

XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ, ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДАГИ

ҲИСОБОТИ

XXVI шаҳар партия конференциясидан кейин ўтган бир ярим йилни ҳақли равишда алоҳида босқич деб аташ мумкин. Партиямиз ва мамлакатимиз ҳаётида ниҳоятда муҳим, катта кўламдаги, ўз моҳияти жиҳатидан инқилобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Жамиятимиз ўзидаги зиддиятларни бартараф эта бориб, ўзининг янги сифат ҳолати сари муттасил илдамлаб бораётир. Мамлакат халқ депутатларининг чинакам демократик сайлови, СССР халқ депутатлари дастлабки учта съездининг қарорлари бутун давлат ҳокимиятини Советлар қўлига ҳақиқатда топширишни амалда бошлаб берди, халқ оммасининг умумдавлат муаммоларини ҳал этишга жалб этишнинг янги демократик усулини яратишга асос солди.

Жамиятимиздаги ўзгаришларнинг шиддат билан бораётганлигини СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди алоҳида куч билан тасдиқлади. Съезд мамлакатда рўй бераётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, СССР Конституциясига мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётида чуқур ўзгаришлар қилишга қаратилган ўзгартишлар киритди. СССР Конституциясининг съезд қабул қилган 6- ва 7-моддаларининг янги таҳрири социалистик жамиятни янада демократиялаш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Республикамизда ҳам ҳаёт мароми юксак сиёсий жўшқин тус олди. Давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги бошқариш органлари янгича тузилди. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси жумҳурият социал-иқтисодий ва маънавий вазиятини соғломлаштиришга қаратилган бир қатор зарур тадбирларни кўриб чиқди.

Шу тарзда КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида конкретлаштирилган сиёсий система ислоҳотининг қоидалари ғоялар ва ечимлар соҳасидан амалий соҳага ўтказилиб, ҳаётий ҳақиқатга айланмоқда.

Ҳисобот даврининг бош сиёсий якуни — бутун ижтимоий-сиёсий муҳитнинг ўзгарганлигида, янгиланиш ғояларини амалга оширишга астойдил киришилганлигидадир. Коммунистик партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш эндиликда турмушнинг ҳамма соҳаларини, аҳолининг барча табақаларини қамраб олди. Бу эса кейинги ўн йилликлар мобайнида мисли кўрилмаган даражада омманинг сиёсатга қизиқишига, унинг ижтимоий жараёнларига фаол жалб этилишига олиб келди. Айни вақтда жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар қайта қуриш ғояларини фаол қўллаб-қувватлаганлари ҳолда танқид, қайта қуриш суръатлари ва натижаларидан қаноатланмаслик ошиб бораётганлиги яққол кўзга ташланиб турибди.

Бунинг учун реал асослар бор. Одамлар истеъмол бозоридаги аҳволдан, миллатлараро муносабатлар кескинлашаётганлигидан, интизом бўшашиб кетаётганлигидан норози бўлмоқдалар. Улар кўтавериб чарчадилар ва иқтисодий вазиятнинг, аввало истеъмол соҳасидаги вазиятнинг яхшиланиши учун конкрет жиддий қадамлар қўйилишини, тартиб ўрнатилишини, ўз қонуний ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини адолатли тарзда талаб қилмоқдалар. Бундай шароитда партия олдида жамиятнинг танг ҳолатдан олиб чиқилишини, унинг халқ орасидаги обрўсини мустаҳкамлайдиган йўл-йўриқ ишлаб чиқиш вазифаси турибди.

Шунинг учун ҳам КПСС бўлажак XXVIII съезди шу қадар масъулиятли ва аҳамиятли, шунинг учун ҳам биз ҳаммамиз ҳар бир бошланғич ташкилотдан то КПСС Марказий Комитетигача ўтган даврни, вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазиятни чуқур таҳлил қилиш асосида партияни янгилаш, ҳар бир коммунистнинг топширилган иш участкаси учун ҳам, умуман партия тақдири учун ҳам масъулиятини ва ролини оширишнинг конкрет йўлларини белгилаб олишимиз шу қадар муҳимдир.

Шаҳар партия конференциясида энг долзарб масалалар: шаҳар партия ташкилотида қайта қуриш суръатларини жадаллаштириш учун нима қилиш керак, шаҳар коммунистлари етилган иқтисодий, ижтимоий, миллатлараро муаммоларни ва бошқа муаммоларни ҳал этиш йўлларини қандай тасаввур қилишлари масаласи очиқ, ошкора, чинакамига партиявий мусоҳаба марказига қўйилиши керак.

Ҳисобот даврида шаҳар партия комитети асосий куч-ғайратини XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг сиёсий йўл-йўриқларини, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги пленумларининг, XXVI шаҳар партия конференциясининг қарорларини амалга оширишга қаратди.

Раҳбарликнинг сиёсий услубларини эгаллаш, партия комитетлари ва ташкилотларининг мустақиллигини ошириш, коммунистларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш — ишимизнинг бош йўналишларидан бири бўлди. Ҳар қачонгидан ҳам жўшқин вазиятда ўтган СССР, Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлари халқ депутатлари сайлови жараёнида ана шу фазилатларга эҳтиёж айниқса катта бўлди.

Ана шу сайлов кампаниясида шаҳар партия комитети ўз позициясини белгилаб, шаҳар партия ташкилотининг сайловолди программаси асосларини қабул қилди. Мазкур ҳужжатда шаҳар партия ташкилоти Советлардаги ўз вакиллари орқали, коммунист депутатлар орқали амалга оширишни мўлжаллаган асосий вазифалар белгилаб берилди. Программада белгиланган тадбирларнинг моҳияти — шаҳар меҳнаткашлари ва аҳолисининг фаровонлигини яхшилаш, демократик жараёнларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, ўзига хос халқ ва миллий анъаналарни қайта тиклашдан иборат эди.

Муҳокама учун эълон қилинган бу программани шаҳар аҳолиси қўллаб-қувватлади, у район партия ташкилотларининг, депутатликка номзоди кўрсатилган коммунистларнинг сайловолди ҳаракат дастури ва программаларини тузишда ёрдам берди. Амалда шаҳар коммунистлари сайловларни ўз конкрет ҳаракат дастурига, депутатликка ўз конкрет номзодларига эга бўлган ҳолда кутиб олдилар. Аммо сайлов якунларини таҳлил қилар эканмиз, ундан олинган сабоқлар ва хатолар ҳақида гапириб ўтиш керак. Сайловлар ҳақидаги қонунларни тушунтириш босқичидаёқ шаҳар партия комитети, унинг идеология комиссияси ва бўлимлари партия ташкилотларига депутатликка номзод кўрсатиш механизмини тушунтира олмади, уларни ўз номзодларига наф келтирадиган оммавий тарғибот, пропаганда ишининг замонавий шакллари билан қуроллантира олмади. Шу сабабли бир қатор партия ташкилотлари меҳнат коллективларида ва истиқомат жойларида ташкилотчилик ишини етарли даражада ўтказа олмадилар.

Натижада бошланғич паллада — депутатликка номзодлар кўрсатиш палласидаёқ ишчилар, хотин-қизлар, ёшларнинг вакиллари кескин камайиб кетди. Айни вақтда раҳбарлар ва айниқса бошлиқлар сони жуда кўпайиб кетди. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада депутатларнинг ижтимоий таркибига таъсир кўрсатди.



⊙ СУРАТЛАРДА: XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида. Т. Каримов ва Р. Шарипов суратлари.

Шуни айтиш керакки, умуман коммунистлар шаҳар ва район Советларига сайланган депутатларнинг салкам 80 фоизини ташкил қилди. Эндиликда коммунист депутатларнинг вазифаси халқ ишончини иш билан оқлашдан, шаҳар партия ташкилоти программасининг қоидаларини амалга оширишдан, сайловчиларнинг наказларини бажаришдан иборат.

Советларнинг ташкилий сессиялари ҳам қайта қуришнинг ҳақиқий пешқадамларини излаб топиш ва қарор топтириш мактаби бўлди. Бу сессияларнинг якунлари партия комитетлари ва умуман шаҳар партия ташкилоти обрўсини тасдиқловчи ўзига хос мезон бўлди.

Давлат ва хўжалик бошқариши вазифаларидан воз кечиб, шаҳар партия ташкилоти халқ депутатлари Советларидан ўз сиёсатини ўтказишнинг янги замонавий шакллари ва усулларини ишлаб чиқаришга мажбур бўлди. Аввало Советлардаги партия группалари фаолиятини қайта қуриш вазифаси турибди. Улар принципиал масалалар юзасидан коммунист депутатларнинг умумий йўлини ишлаб чиқишлари, уларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришлари, Советлар фаолиятини амалий йўлга солиб юборишлари керак. Советлардан шаҳар партия комитетининг программавий мақсадларини амалга ошириш учун айни шу коммунист депутатлар орқали курашишга тўғри келади.

Айни вақтда шуни аниқ англаб олиш керакки, партиянинг янги қиёфаси, унинг якка ҳокимиятдан воз кечиши КПСС пешқадамлик ролидан маҳрум бўлади, иқтисодиётдаги, социал соҳадаги, ижтимоий тараққиётдаги ишларнинг аҳволи учун тўла масъулиятни соқит қилади деган маънони билдирмайди.

Бу позиция КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасининг ўзаги бўлиб, КПСС Устави лойиҳасининг қоидаларига ҳам сингдириб юборилган. Коммунистик партия бундан буёнги ривожланиш йўлини ишлаб чиқиши ва халққа тақдим қилиши, ўз программаларининг бажарилишига эришиши керак.

Ҳисобот даврида Тошкентда юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятга холисона баҳо бериб, шаҳар партия комитети, партия комитетларининг, раҳбар коммунистларнинг эътиборини аввало иқтисодиётда ва социал соҳадаги ишларнинг аҳволини яхшилашга, инвестиция сиёсатида тегишли ўзгаришлар қилишга қаратди.

Шу туфайли социал йўналишдаги объектлар қурилишига сарфланган капитал маблағлар улуши XII беш йиллик мобайнида 43 фоиздан 53 фоизга етди. Уй-жой қурилиши ҳажми 1,5 баравар, якка тартибда ва хўжалик усулида қурилган уйлар ҳажми икки баравар кўпайди. XXVI шаҳар партия конференциясининг қарорига биноан шаҳар халқ хўжалигини ривожлантиришдаги оқилона устун жиҳатларни белгилаш соҳасида дастлабки қадамлар қўйилди. Меҳнаткашларнинг халқ истеъмоли молларига ва хизматларга, озиқ-овқат маҳсулотларига талабларини тўлароқ қондириш мақсадида социал жиҳатга эътибор кучайтирилди. Натижада XII беш йиллик мобайнида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш деярли 20 фоиз кўпайди. Кейинги икки йил ичида рўзғорда ишлатиладиган мураккаб техника ашёлари — «Алгоритм» заводида «Сўғдиёна» ва «Агарт» шахсий компьютерлари, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида кир ювиш машинаси, микротўлқинли электр ўчоқ, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида ўчоқ комбайни, «Восток» бирлашмасида кофе янчадиган электромиксер ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Озиқ-овқат программасини ҳал этиш, Тошкент аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида шаҳар агросаноат ташкилоти тузилиб, унинг таркибига Тошкент областидаги 64 колхоз ва совхоз киритилди. Бу эса шаҳарликларни дарҳол картошка, сабзавот, бошқа бир қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни анча яхшилаш имконини берди.

XII беш йиллик мобайнида 49 минг ўринли умумий таълим мактаби, 19,3 минг ўринли мактабгача тарбия муассасаси, кунига 7,1 минг беморни қабул қиладиган поликлиника қурилди. Бу эса план топшириғидагидан анча кўпроқдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарнинг шохобчалари кенгайтирилди, фирма савдоси янада кенг тус олди. Шаҳар пассажир транспортининг иши бир мунча яхшиланди, метрополитеннинг янги станциялари фойдаланишга топширилди.

Аммо, ижобий силжишлар сусткашлик билан рўй бераётир ва ҳозирча катта натижа келтирмаётир. Бунинг устига молия-хўжалик механизмида умумий мувозанатга эришилмаганлиги туфайли айрим тармоқларда ривожланиш суръатлари пасайди, иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги ўсишига қараганда илдамроқ ошиб боришидан иборат салбий тенденция давом этмоқда. Нархнинг кўтарилиши, пулнинг қадрсизланиши тўхтамаётир.

Тошкент мамлакатнинг 30 та энг йирик шаҳарлари орасида аҳолининг сони жиҳатидан тўртинчи ўринда тургани ҳолда аҳоли жон бошига касалхоналардаги жойлар билан таъминланиши жиҳатидан 13-ўринда, квартиралар қурилиши бўйича 24-ўринда, савдо майдонлари билан таъминланиш бўйича охирги ўринда турганлигини нормал ҳол деб бўлмайди. Мактаб ўқувчиларининг тўртдан бир қисми тиғиз биноларда таълим олмоқдалар, шаҳардаги 10 та мактаб эса санитария талабларига жавоб бермайдиган биноларда жойлашган.

Болалар боғчалари ва поликлиникалар билан таъминланиш даражаси нормативнинг 70 фоизидан сал кўпроқни ташкил қилади. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида социал шароитлар айниқса оғирлигича қолаётир. Тарихан таркиб топган районларда яшаётган 400 мингга яқин киши канализациядан, иссиқлик ва газ таъминотидан, телефон алоқасидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Республика пойтахтидаги социал проблемаларнинг жиддийлигини назарга олиб, шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан бу йил 1991—1995 йилларда «Тошкент шаҳрида турмуш таъминотини тубдан яхшилаш ҳамда шаҳар тарихий районларини таъмир қилишни жадаллаштириш соҳасидаги биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қарори қабул қилинди.

Бу ҳужжат қабул қилиниши олдидан шаҳарни ривожлантириш программаси чуқур ва қунт билан ишлаб чиқилди. Мазкур программа мутахассислар томонидан кенг кўламда муҳокама қилинди, унга Тошкент меҳнат коллективларидан, шаҳар аҳолисидан тушган кўпгина таклифлар киритилди.

Унда аҳолини социал соҳа хизматлари билан таъминлашни яхшилаш, бу хизматларни нормативларга яқинлаштириш, уй-жой қурилиши ҳажмини кескин ошириш, янгидан вужудга келтирилаётган ва илгари барпо этилган уй-жой массивлари қурилишида комплексликка риоя қилиш кўзда тутилган.

Шаҳарнинг тарихан таркиб топган қисмини таъмирлаш ва ривожлантириш, у ерда яшаётган аҳолининг турмуш таъминотини тубдан яхшилаш учун махсус «Тошкенттикланиш» қурилиш трести тузилди. Бу мақсадларга «Маҳалла» программасига биноан 700 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади.

Умуман XIII беш йилликда уй-жойларни социал-маданий объектлар билан комплекс равишда қуриш учун шаҳар бўйича капитал маблағлар умумий ҳажмининг 78 фоизидан фойдаланиш мўлжалланади.

Программанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у XIII беш йилликка мўлжалланган бўлса-да, беш йиллик бошланишидан бир йил илгари қабул қилинди. Бу эса белгиланган тадбирларни амалга оширишга пухтароқ тайёргарлик кўриш имконини беради.

Шаҳардаги ҳар бир партия ташкилотининг вазифаси Тошкентни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини амалга оширишда ўз меҳнат коллективининг ўрнини аниқ белгилаб олишдан иборат. Иқтисодиётни ривожлантириш суръатларини ошириш негизидагина социал соҳада реал ўзгаришларга эришиш мумкин.

XXVI шаҳар партия конференцияси қарорларига биноан ҳисобот даврида шаҳар иқтисодиётини хўжаликни юритишнинг янги шароитларига ўтказиш юзасидан иш олиб борилди. Шаҳарда 138 корхона ва ташкилот хўжалик ҳисобининг норматив тақсимотига асосланган иккинчи модели асосида ишлаётир. Улар 1989 йилда даромадлар бўйича планни 30,7 фоиз ортиғи билан бажариб, пландан ташқари фойда олишди. Корхоналар, ташкилотларнинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши уларни бевосита ички резервлардан яхшироқ фойдаланишга рағбатлантираётир. Бир қатор корхоналар хўжаликни юритишнинг тамомила янги шаклларига дадиллик билан ўтишди.

Масалан, ўтган галги шаҳар ҳисобот сайлов конференциясида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам шаҳардаги қолоқ корхоналар қаторида тилга олинган эди. Ҳақиқатан ҳам 1988 йилнинг охирларида корхонадаги аҳвол жуда оғир эди.

Шу беш йилликнинг бошидан бери бирлашма давлатдан ва маҳсулот етказиб берувчилардан 31 миллион сўм қарздор бўлиб қолган, ўз оборот маблағларининг камомади салкам 900 миллион сўмни ташкил қилди. Фойданинг йўқлиги ишлаб чиқаришни янгилаш ва реконструкция қилиш имконини бермас эди. Оқибатда ишчилар орасида норозилик туғилиб, маънавий-руҳий вазият мураккаблашиб қолган ва ишдан бўшаб кетувчилар кўпайиб бораётган эди.

Вужудга келган вазиятдан чиқиш йўли хўжаликни юритишнинг янги шаклини жорий этиш орқали топилди, бу эса бир корхона доирасида мулкчиликнингг давлат ва кооператив шаклларини энг мақбул тарзда қўшиб олиб боришни таъминлади. Хўжаликни юритишнинг янги шароити ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бир меъёрда маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Йил натижаларига кўра, шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш плани бажарилди, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани деярли 40 фоиз ортиғи билан бажарилди. Корхона коллективи кейинги йилларда биринчи бор фойда олди. Эндиликда бирлашма жаҳон бозорига чиқиб, харидорларни ва корхонани реконструкция қилишга капитал маблағ сарфлашга тайёр бўлган шерикларни излаётир.

Лекин корхонанинг, унинг партия ташкилотининг ҳозирги фаолиятидаги энг муҳим жиҳат — хўжаликни юритишнинг янги шароити орқали социал сиёсатни фаоллаштиришга, меҳнат аҳлининг ишлаб чиқариш воситаларидан ёдлашиб олганлигини бартараф этишга астойдил интилишдир.

«Ташгорпромстрой» трестининг «Узтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Қўйлиқ асфальт-бетон заводи коллективи ҳам ижара пудратига тўла ўтиб, ана шу йўлдан бормоқда.

Лекин бундай мисоллар ҳозирча бармоқ билан санарли бўлиб, шаҳар иқтисодиётининг умумий қиёфасини белгиламайди. Бу эса социал иқтисодий ривожланиш масалалари комиссиясининг, шаҳар партия комитети секретари ўртоқ Ю. А. Асепковнинг етарли даражада қатъият кўрсатмаганликларининг натижасидир. Улар партия комитетлари ва ташкилотлари эътиборини туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан энг самарали тадбирларни ишлаб чиқишга қарата олмадилар. Бунинг устига хўжаликни юритишнинг янги усуллари комплекс тарзда жорий этилмаётир, баъзан жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётир.

Маъмурий бошқарувнинг роли шу қадар пасайиб кетдики, натижада бозор механизми ҳамон амал қилмаётир. Бу эса кўпинча истеъмолчилар ва жамият манфаатларини писанд қилмай яхши яшаш имконини бераётир. Шаҳарнинг кўпгина корхоналарида 1989 йилнинг ўзида моддий рағбатлантириш фондидан тўловлар ошгани ҳолда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртача иш ҳақининг ўсишидан анча орқада қолмоқда. «Отделстрой» трести, «Главташкентстрой»нинг 4, 153-трестлари шулар жумласидандир. Пул муомаласида шу қадар жиддий аҳвол вужудга келганлигининг асосий сабабларидан бири ана шудир. Банкларнинг назорати ҳам кўрилган чора-тадбирларга қарамай сезиларли натижаларни бермади, чунки давлат комитетлари ва вазирликлар ҳамон кўпгина корхоналарга ўртача иш ҳақини ошириш нормативларини меҳнат унумдорлигининг ўсишига нисбатан юқорироқ даражада тасдиқламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури иқтисодиётни танг аҳволдан олиб чиқиш йўли — уни планли-бозор йўлига ўтказиш эканлигини қайд қилиб, хўжаликни юритиш ва мулкнинг хилма-хил шаклларини тан олади. Ислоҳот марказдан буйруқлар ва йўл-йўриқлар билан бошқариладиган иқтисодиётни ишлаб чиқарувчиларнинг эпчиллиги ва мустақиллигини рағбатлантирувчи иқтисодиёт билан алмаштиришни тақозо қилади.

Айни вақтда шаҳар партия комитети шуни яхши биладики, янги хўжалик муносабатларига ўтиш пайтида нарх-наво янада ошиши, пул қадрсизланишининг суръати тезлашуви, жамиятда муайян мулкий табақаланиш рўй бериши мумкин. Бу нарса аҳоли турли гуруҳларининг аҳволига албатта таъсир кўрсатади, шу сабабли бошқариладиган бозорга ўтиш концепцияси ниҳоятда пухта ишлаб чиқилиши, конкрет программага айланиши керак. Унда қатъий социал гарантиялар бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиш ва аввало энг кам истеъмол бюджетига кирувчи товарлар ва хизматларнинг чакана нархларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли даромадларини бараварлаштириш кўзда тутилиши керак. Пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалар ва чекланган даромадга эга бўлган аҳоли бошқа қатламлари учун пул қадрсизланишининг оқибатлари ўрнини мумкин қадар тўла тўлдирилишини таъминлаш лозим. Ишчи кучи бозорида таркибий ўзгаришлар муқаррарлигини ҳисобга олиб кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг комплекс системасини вужудга келтиришга киришиш, иш билан таъминлашни бошқаришнинг сифат жиҳатидан янги шакллари ва усулларини, шу жумладан меҳнат биржасини йўлга қўйиш керак бўлади.

Янги шароитда социал-иқтисодий ривожланишга раҳбарлик соҳасидаги бошқарув вазифалари маҳаллий Советлар ижроия органларининг қўлида тўпланади. Жуда кўп нарса уларнинг омилкорлигига, совет территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар билан иқтисодий ўзаро муносабатлар системасини ишлаб чиқиш маҳоратларига боғлиқ бўлади. Фрунзе, Куйбишев, Собир Раҳимов район Советлари «юқоридан» кўрсатмалар ва қўшимча ҳуқуқларни кутиб ўтирмасдан социал муаммоларни ҳал этиш, ўз бюджетини кўпайтириш йўлларини белгиламоқдалар, коммерция фаолиятини ривожлантирмоқдалар, ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатмоқдалар.

Аммо умуман олганда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ўз имкониятлари ва ҳуқуқларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланмаётирлар.

Масалан, атроф-муҳитнинг бўлғанишига қарши курашда аҳволнинг сезиларли яхшиланмаганлигига асосан шу нарса сабаб бўлмоқда. Шаҳарда 116 корхона зарарли чиқит манбалари бўлиб, бу чиқитлар ҳажми ниҳоятда сусткашлик билан камайтирилмоқда.

Шаҳардаги 45 корхона шу йилнинг биринчи кварталида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборди, 74 корхона эса бундай товарлар ишлаб чиқаришни 24 миллион сўмликдан кўпроқ миқдорда камайтиришни планлаштирдилар. Ип-газлама, чарм-галантерея, спорт товарлари, ошхона мебели ва бошқа мебеллар бирлашмалари, сут ва ёғочсозлик комбинатлари шулар жумласидандир. Ваҳолонки, бу корхоналарнинг маҳсулоти аҳолига жуда зарур.

Ёки соғлиқни сақлаш муаммосини олиб кўрайлик, «Сиҳат-саломатлик» программасини амалга ошириш суръатлари аҳолини қаноатлантирмаётир, моддий техника базасининг заифлиги аёллар, болаларга, уруш ва меҳнат ногиронларига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини бермаётир.

Социал муаммоларни ҳал этиш учун аввало пул ва бошқа воситалар керак, албатта. Лекин бизда кўпинча ана шу воситалар етишмайди. Бу масалани ҳал қилишнинг энг мақбул йўли территория социал соҳасини ривожлантиришга корхоналарни ва уларнинг маблағларини жалб қилишдир. Бу эса корхоналарнинг биргалашиб фаолият кўрсатишини, территориал бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилишни талаб этади.

Шу муносабат билан иттифоқ қарамоғидаги корхоналар ролини қайта кўриб чиқиш зарур. Уларнинг кўплари районлар ва умуман шаҳар территориясидаги социал соҳани ривожлантириш масалаларини ҳал этишдан четда қолмоқдалар. Ишонч билан айтиш мумкинки, Иттифоқ қарамоғидаги корхоналар таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар транспортининг иши сингари муаммоларни ҳал этишга киришмагунча, шаҳарликлар ҳаёти, шу жумладан ана шу корхона ходимларининг ҳаёти яхшиланмайди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг коммунист раҳбарлари, унинг раиси, КПСС аъзоси ўртоқ Ш. Р. Шоабдураҳимов, план комиссияси шаҳар территориясидаги корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий муносабатлар системасини тезроқ ишлаб чиқишлари, маҳаллий бюджетни норматив асосда тузишга ўтишлари, бунда маҳаллий бюджетни шакллантиришда Иттифоқ қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотлар ролини анча оширишлари керак.

Бундан буён айрим корхона ва ишлаб чиқаришларни халқ истеъмоли молларини, шу жумладан мураккаб маиший техника буюмларини ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш билан боғлиқ тадбирлар комплексини ҳаётга қатъиятлироқ жорий этиш лозим.

Иқтисодий таъсир усуллари билан ишлаб топилмаган пулларни маош тариқасида беришнинг ўсишига ҳам тўсиқ қўйиш пайти келди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан иложи борича тўлиқ фойдаланган ҳолда, муомаладаги ортиқча пулларни, облигациялар, акциялар, бошқа қимматбаҳо қоғозларни чиқаришга, аҳолига уй-жой сотишга, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларни келажакда харид қилиш ҳисобига аҳолига аванс бериш каби анъанавий бўлмаган шакллардан ҳам фойдаланиш керак кўринади. Кооперативлар масаласига келганда эса бизнинг вазифамиз моллар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишга қаратилганларни қўллаб қувватлаш ва уларга ёрдам беришдан иборатдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятдан ҳам дадилроқ фойдаланиш керак. Бугунги кунда шаҳарда ташқи иқтисодий алоқаларнинг 33 қатнашчиси бор, улардан 28 нафари экспортга маҳсулот етказиб бермоқда. Ўтган йили улар етказиб берган маҳсулот қарийб 5 фоизга кўпайди ва 40 миллион сўмликка яқинлашди. Уларнинг аксарият қисми «Таштекстильмаш» заводи, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик комбинати зиммасига тўғри келади. Тошкентдаги Марказий универсал магазини хорижий мамлакатлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатган. Бироқ ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш суръатлари ғоят даражада етарли эмас. Қўшма корхоналарни ташкил этиш имкониятларидан кам фойдаланиляпти. «Совпластитал», «Ташинтерн» каби корхоналарнинг ижобий тажрибаси бор, аммо уларнинг сони жуда кам, шунга яраша уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми шаҳар эҳтиёжи учун етарлик эмас.

Қабул қилинган «Ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик юритишнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонуни маҳаллий Советларнинг бундан кейинги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини берди. Ҳозир, шаҳар Советининг коммунист-депутатлари олдида олимларнинг ижодий имкониятларидан фойдаланиб, шаҳар халқ хўжалиги комплексини регионал хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи молиявий таъминлашга ўтказиш концепциясини ишлаб чиқиш, унда ижтимоий масалаларни устун даражада ҳал этишни, социалистик мулкнинг турли-туман кўринишларини, фан-техника тараққиётининг янада ривожланишини кўзда тутиш вазифаси турибди.

Шаҳар партия комитети иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасидаги олдинда турган ишларнинг асосий йўналишларини белгилар экан шаҳар халқ хўжалигини ривожлантириш, унинг таркибий тузилишини, хўжалик муносабатлари механизмини — такомиллаштиришнинг ҳаммаси меҳнат кишисининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга, унинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур шароитларни яратишга қаратилиши керак, деб ҳисоблайди.

Жамият ҳаётининг барча қирраларини астойдил қамраб олаётган ўзгаришлар мафкура соҳасидаги аҳволни айниқса тубдан ўзгартириб юбормоқда. Амалда аҳолининг барча қатламлари жадал сиёсийлашуви рўй бермоқда, аввалги дунёқарашлар ва назарий қоидаларни қайтадан баҳолаш жараёни кетмоқда. Айни вақтда мафкуравий тарқоқлик, совет жамиятини бундан буён ривожлантириш концепцияларининг кўплиги ва қарама-қаршилиги яққол кўзга ташланади. Ғояларнинг шиддати, ўтмиш ҳақидаги хабарлар оқими, бу хабарлар кўп ҳолларда салбий кўринишда берилади, иқтисодий келишмовчиликлар кўп кишиларнинг саросимага тушиб қолишларига, аввалги қадриятлардан кўнгиллари совишига, баъзан эса уларга нисбатан кескин салбий муносабатда бўлишларини келтириб чиқаради.

(Давоми 3-бетда).

XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ, ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДАГИ

ҲИСОБОТИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

Бундай шароитларда, партия фаолларини, барча коммунистларни сиёсий тайёрлашни сифат жиҳатидан яхшилаш масаласи ҳар қачонгидан кескин ўртага қўйилади. Бугунги кунда шаҳарда 35 та сиёсий маориф хоналари фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий ўқув системасида, сиёсий ва методологик семинарларда, сиёсий мактабларда 130 мингга яқин коммунистлар ва партиясизлар шуғулланишаяпти. Лекин сиёсий маорифнинг мазкур кўринишлари маълум даражада самарали эканлигини эътироф этиш билан бирга, умуман олганда улар мафкуравий муаммоларнинг ўткирлиги ва мураккаблигига мувофиқ келмайди ва қайта кўриб чиқишни талаб этади, деган фикр билан келишиш керак. Ҳаётнинг ўзи сиёсий ўқув системасида устунлик масаласини коммунистлар назарий тайёргарлигининг негизи ва маркази сифатида ўз устида мустақил ишлаш томонга силжитишни тобора заруратга айлантирмоқда. Бунда манбалар партиявий ҳужжатлар, бошқа адабиётлар устида жиддий, чуқур мустақил ишлаш, кейин эса жамият турмушининг долзарб муаммоларини семинарлар, мунозара клублари, конференциялар, баҳслар ва бошқа ерларда жамоа ҳолида муҳокама этиш назарда тутилади. Афтидан сиёсий маориф хоналари ишини ҳам тубдан ўзгартириш талаб этилади. Улар ижтимоий-сиёсий, ўқув-методик, ахборот-тарғибот марказларига айлантирилиши керак.

Мафкура соҳасидаги бугунги аҳволнинг мураккаблиги лекция тарғиботи, «Билим» жамияти шаҳар ва район ташкилотлари олдига ҳам янги вазифаларни қўяди. Ҳозирги пайтда уларнинг ҳисобида 7 мингдан зиёд аъзоси бўлган 247 бошланғич ташкилот турибди.

Жамият лекторлари шаҳар партия ташкилотининг мафкура соҳасидаги фаоллари билан биргаликда КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумларининг, халқ депутатлари съездларининг, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини тушунтиришда фаол иштирок этдилар.

Жамият томонидан «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунини бажариш бўйича анчагина ишлар қилинмоқда. Ўзбек тилини ўрганиш бўйича 120 дан кўпроқ гуруҳ ташкил этилган.

1989 йилнинг октябридан «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти хўжалик ҳисоби шароитларида ишлашга ўтди. Бу ахборот берувчи тадбирлар, касб ўқуви, турли соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳажмини анча кенгайтириш имконини берди.

Шу билан бирга лекция тарғиботининг даражаси бугунги кун талабларини ҳисобга олиб сезиларли даражада оширилишини тақозо этади. Сўнгги икки йил ичида жамият лекторлари 50 мингдан зиёд лекцияларни ўқишди, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам тингловчиларнинг онгига ва қалбига етиб борди, деб бўлмайди. Кўпгина лекторларнинг ишига юзакилик, ҳаётдан ажралиб қолиш, баъзан эса малаканинг етишмаслиги хосдир, уларнинг малакалари ҳам бир хил эмас. «Билим» жамиятининг фаолиятида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, олий ўқув юртларининг олимлари, халқ хўжалигининг мутахассислари, шунингдек, партия ходимларининг ўзи ҳам фаолроқ иштирок этишлари керак.

Ҳисобот даврида ягона сиёсий кун мафкуравий ишнинг ажралмас таркибий қисми бўлди. Маълумки, улар бундан бир неча йил муқаддам омма билан фаол мулоқот воситаси сифатида ўйланган эди. Аммо ўтган йиллар мобайнида меҳнаткашлар билан мулоқотнинг ана шу кўринишига амалда бирорта ҳам янгилик киритилгани йўқ, натижада у қотиб қолди, одамларни қизиқтирмай қўйди.

Ягона сиёсий кунларни бекор қилиш ёки уларнинг кўринишини, ўтказиш муддатларини ўзгартириш ҳақидаги масала пленумларда, фаолларнинг йиғилишларида область партия комитети ва партия Марказий Комитети олдига бир неча маротаба қўйилди. Афтидан бу масала тезда ҳал этилиши лозим, зеро бундай умри битган тажриба бундан буён сақланиб қололмайди, бунинг устига мунозара клублари, «думалоқ стол» атрофида учрашув, «Мулоқот» клублари ва бошқа мулоқотнинг замонамиз нафасига мос келадиган, шак-шубҳасиз маъқуллашга ва қўллаб-қувватлашга лойиқ бошқа фаол кўринишлари унинг ўрнини эгаллай бошлади.

Мафкуравий иш анъанага кўра асосан меҳнат жамоаларида олиб бориларди. Айни вақтда, бундай ишларни истиқомат жойларида ўтказишга эътибор очиқ-ойдин бўшаштириб юборилганди. Ҳисобот даврида шаҳар партия комитети аҳволни бирмунча ўнглашга муваффақ бўлди. Сўнгги вақтларда маҳалла комитетларининг ролини ошириш, мақомини мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар яхшигина маълум. Маҳалла комитетлари раисларининг шаҳар кенгаши тузилган. Биринчи марта маҳаллаларнинг эҳтиёжига йўналтирилган маблағлар бюджетнинг алоҳида сатрларига битилди. Тошкентнинг эски шаҳар қисмини ривожлантириш ва реконструкция қилиш ҳақидаги, маҳаллалар аҳолисининг ижтимоий шароитларини яхшилашнинг аниқ йўлларини белгилаб берган жумҳуриятимиз партия ва ҳукуматининг қарори кенг маъқуллаб кутиб олинди.

Олий ўқув юртлари шаҳарчасини ижтимоий ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш кенгаши шаҳар ҳаётидаги муайян жараёнларга маълум даражада ижобий таъсир эта бошлади. Ана шу кенгаш таркибига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бошқармалари ва хизматларининг раҳбарлари, шаҳар олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ректорларининг кенгашлари, «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениеси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар муаммолари бўйича илмий-методик бўлим кирди.

Шу ва бошқа тадбирлар меҳнат, оилавий, байналмилал анъаналарининг, ўзбек халқининг, бошқа миллатлар вакилларининг маънавий урф-одатларидаги бой тарбиявий имкониятлардан нисбатан самаралироқ фойдаланиш имконини берди. «Наврўз»нинг байрам қилиниши бунинг ёркин намойиши бўлди. Бу йил у ҳар қачонгидан ҳам кенг нишонланди, халқ ташаббускорлигига ўзига хос илҳом бағишлади, одамлардаги энг яхши инсоний фазилатларни уйғотди. Шаҳар партия, совет органлари томонидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилганди, байрамнинг биринчи куни жумҳуриятимизда дам олиш куни деб эълон қилинганлиги учун ҳам бу йил «Наврўз» чинакам байрамга айланди.

Халқ анъаналарининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши, шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан ташкил этилган ва тошкентликлар ўртасида шуҳрат қозонган «Маҳалладош» рўзномаси — маҳалла комитетлари фаолиятини мувофиқлаштириш шаҳар кенгашининг органи ҳозирданоқ самарали ёрдам бермоқда. «Маҳалладош» ҳар ойда инки марта «Тошкент оқшоми» рўзномасига илова ҳолида чиқаяпти. Яқин орада худди шундай нашрнинг рус тилида чиқишини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ўмуман, шаҳарнинг «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» оқшом рўзномалари жумҳуриятимиз пойтахтида рўй бераётган қайта қуриш жараёнларини мафкуравий таъминлаш вазифасини етарлича юксак савияда, малакали равишда бажаришяпти, шаҳримиз аҳолиси ўртасида шуҳрат қозонган. Ижтимоий ҳаётнинг асосий, энг долзарб масалалари борасида улар етук, мустаҳкам нуқтаи назарни эгаллаб туришибди, халқ манфаатини қатъият билан ҳимоя қилиб, партия сиёсатини тушунтиришяпти ва тарғиб қилишаяпти. Рўзномаларнинг «Аҳвол қалай, иқтисодиёт?», «Депутат сўрови», «КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш», «Оила даврасида» ва бошқа рубрикаларининг чиқиши муштарийларга яхши маълум.

Бинобарин, «Оқшом» журналистлари Тошкентнинг серқирра ҳаёти барча томонларини ҳар доим ҳам қамраб ололганларича йўқ, уларда қиёмига етмаган мақолалар ҳам учраб туради. Айни вақтда шаҳар партия комитети Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан биргаликда ўз рўзномаларига ўз томонларидан кўпроқ ёрдам беришлари керак. Энг аввало шаҳар рўзномаларининг сифат жиҳатидан янги даражада чиқишига гов бўлаётган масалаларни ҳал этишда ёрдам беришлари лозим. Бугунги кунда рўзномаларнинг ижодий ходимлари сони бошқа пойтахтлардаги худди шундай рўзномаларнинг ходимлари сонидан қарийб икки баробар кам. Редакциялар техника воситаларининг етишмовчилигини ўткир ҳис этишаяпти, уларсиз ҳозирги замон журналистларининг ишини асло тасаввур этиб бўлмайди. Обуначиларнинг сони мунтазам кўпайиб бораётганлигига қарамай, рўзнома ўтган йили 2 миллион сўмдан зиёд соф фойда келтирганига қарамай, бирлашган редакциянинг ўзи бир тийинни ҳам сарфлай олмайди. Молиявий мустақиллик кенгайиб бораётган бир шароитда олинаётган даромаднинг ярмигача бўлган қисмини рўзномаларни янада ривожлантиришда фойдаланиш масаласини ҳал этишни сўраб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Шаҳардаги 38 та кўп нусхали рўзномалар ҳам мафкуравий ишга ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Ҳисобот даврида уларнинг орасида икки тилда: рус ва ўзбек тилларида чиқадиган рўзномалар сони сезиларли даражада кўпайди.

Эътироф этиш керак, кўп нусхали рўзномаларнинг аксарияти анча «ёш»га бориб қолганига қарамай, уларнинг тўлақонли, қизиқарли, ўқимишли бўлиб чиқишига ҳали анча бор. Қатор кўп нусхали рўзномаларнинг ўз матбаа базасининг йўқлиги ана шу рўзномалар редакциясининг ишида катта қийинчиликларни келтириб чиқарияпти. Мазкур масала кўп вақтдан бери ўз ечимини тополмаяпти, бунда шаҳар партия комитети мафкуравий комиссиясининг, унинг секретари К. Р. Расуловнинг ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети коммунист-раҳбарларининг ҳам айби бор. Тошкент шаҳрига кўрсатувлар ва эшиттиришлар тайёрловчи радио ва телевидение редакцияларининг бутун тарғиботчилик имкониятларини очиб берганлари йўқ.

Ҳозирги шароитларда оммавий ахборот воситалари жамоат кучларини жипслаштиришга, тўпланган тажрибани фаол тарғиб қилишга, шаҳардаги аҳвол устидан халқ назоратини амалга ошириш воситаси сифатида хизмат қилишга даъват этилган.

Шаҳар партия комитети оммавий ахборот воситаларига икир-чикирларда хомийлик қилишдан ва расмиятчиликдан воз кечиши лозим. Айни вақтда жамият ҳаётининг жараёнларини холисона, принципиал, амалий тарзда ёритилиши учун партия комитетларининг, журналистларнинг масъулиятини ошириш зарур. Район партия комитетларига ўз ахборот органларини ташкил этишда ёрдам бериш имкониятларини излаб топиш керак.

Шаҳар аҳолиси маданияти савиясининг ошишига эришиш — мафкура соҳасидаги партия комитетлари ва ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ёш авлоднинг айрим қисми турмуш тарзи ва одобда маънавий қадриятларнинг йўқолиб бораётганлиги, маданиятсизлик кўринишлари, зўравонлик кўринишлари алоҳида ташвиш уйғотади. Бундай аҳвол маълум даражада маданият соҳаси муассасаларининг фаолиятини таъминлашдаги режалаштиришнинг қолдиқли принципи оқибатлари билан изоҳланади.

Шаҳардаги 32 маданият уйларидан атиги 8 таси типовой биноларда жойлашган, еттитаси ўта даражада ремонтга муҳтож. 104 кутубхонанинг ҳар олтидан биттаси таъмирланиши керак. Кутубхоналарнинг ўзи ҳам етишмайди. Шунингдек, клублар, кинотеатрлар, болалар майдончалари, спорт майдончалари, бошқа маданият объектлари ҳам етишмайди.

Ҳисобот даврида Тошкент область партия комитети билан биргаликда шаҳар ижодий ва маданият-томоша муассасалари партия ташкилотлари котибларининг кенгаши ташкил этилди ва у ишлаб турибди.

Партия ва совет органлари раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлари анъанавий бўлиб қолди. Доимий алоқалар, зиёлилар билан яқин ҳамкорлик, унинг эҳтиёжларига диққат-эътибор билан муносабатда бўлиш партия комитетлари учун, барча мафкура ходимлари учун одат тусига кириб бораяпти. Ҳозирги вақтда маданият муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш учун, уларнинг ходимлари турмуш даражасини яхшилаш учун кўпроқ маблағлар ажратиладиган бўлиб қолди.

Шундай бўлса ҳам маданий-оқартув ишларининг кўринишлари ва усуллари чекланганлигича қолаяпти. Бу ишлар асосан лекциялар ўқиш, концерт бериш, фильмларни намойиш этишдан иборат бўлиб қолаяпти.

Бугунги кунда маданиятимиз арбоблари яратаётган асарларнинг ижтимоий аҳамияти, бадиий савияси ўсиб бораётганлиги билан ҳам мақтаниб бўлмайди. Ижодий уюшмалар, бадиий жамоалар кўпинча носоғлом маънавий-руҳий муҳит билан ажралиб туради, уларда самимийлик, ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат муҳити вужудга келтирилган эмас. Бу уларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмаяпти.

Кўпчилиги ўнлаб йиллар мобайнида йиғилиб келган ана шу камчиликларнинг ҳаммасини бартараф этиш учун шаҳар партия комитети томонидан ҳисобот даврида муайян тадбирлар кўрилди.

Партия комитетлари, шаҳар Совети ижроия комитетининг, унинг маданият бошқармаси коммунист раҳбарлари эътиборларини маданият муассасалари моддий базасини мустаҳкамлашга, маданий оқартув ишларининг янги кўринишларидан янада тўла фойдаланишга сафарбар этишлари керак.

Бу тўла маънода коммунистларнинг атеистик ишларини фаоллаштиришга ҳам тааллуқлидир. Шаҳар партия комитети диндорларнинг маънавий ва руҳий қадриятларини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш билан бирга аҳолининг онги, эътиқоди ва моддий дунёқараши учун сиёсий ва мафкуравий таъсир этиб курашиш вазифаларидан воз кечгани йўқ.

Жамият ҳаётининг ҳозирги мураккаб ва турли-туман шароитларида фаннинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ошади.

Шаҳар илмий муассасалари салмоқли имкониятларига эга. Тошкентда турли ихтисосдаги юздан зиёд илмий муассасалар, шу жумладан 70 дан зиёд илмий-тадқиқот институтлари бор. Фан соҳасида, шу жумладан олий ўқув юртлари фани соҳасида 900 дан зиёд фан докторлари ва 9000 дан зиёд фан номзодлари ишлашяпти.

Тошкент олимлари радиацион материалшунослик, физик ва квантли электроника, лазер техникаси соҳаларида, радиофармацевтик дори-дармонларни яратиш, ўсимлик моддалари кимёси ва тадқиқотларнинг қатор бошқа йўналишларида мустаҳкам мавқега эга.

Аммо бу ҳотиржамликка берилиш учун баҳона бўла олмайди. Сабаби сифатида шаҳар олимларининг жорий этилган ишланмаларининг аксарият қисмини қўлланмалар ва тавсияномалар, арзимаган қисмини янги технологиялар ташкил этишини айтиб ўтиш етарли бўлса керак.

Бугунги кунда илмий ходимларга нисбатан муносабатни ўзгартириш, уларнинг ижтимоий мақомини қатъиян ошириш, фаннинг моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар комплексини амалга ошириш, истиқболли ёш илмий ходимларни аниқлаш ва уларни мамлакатимизнинг ҳамда чет мамлакатларнинг етакчи илмий марказларига тажриба оширгани йўллаш лозим. Фан ва маданиятга мактабда замин қўйилади. Мактабларда сўнгги вақтларда эски ёндашувлар бузиляпти, янги ёндашувлар изланяпти. Халқ таълими моддий базасини мустаҳкамлашга кўпроқ маблағлар ажратиладиган бўлиб қолди.

1989—1990 ўқув йилида шаҳар халқ таълими муассасаларини тўла ремонтдан чиқариш учун ҳар қачонгидан кўп — 10 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Ўқувчиларнинг, ўқитувчиларнинг ижтимоий шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган қатор қадамлар қўйилди. Жумладан, биринчи марта 1—5-синф ўқувчиларининг бепул нонушта қилиши ташкил этилди, уй-интернатларда овқатланишга харажатлар нормаси кўпайтирилди, шаҳар ўқитувчилари шаҳар транспортида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлдилар, юзлаб ўқитувчилар коммунал хизматларга ҳақ тўлашда имтиёзлардан фойдаланишяпти.

Халқ таълимини бошқариш демократиялашиб бораяпти. Халқ таълими бўйича жамоат кенгашлари, мактабларга раҳбарлик бўйича кенгашлар обрўйи тобора ошиб бораяпти. Ўқитувчиларнинг жамоалари раҳбар органларнинг ижро-чикирлардаги ҳомийлигидан халос бўлишяпти, тажрибаларга дадилроқ қўл уришяпти.

Ўрта мактабларнинг бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шунга қарамай, мафкуранинг бошқа соҳаларидаги каби бу соҳадаги ўтмиш хатолари ва камчиликларнинг юки ҳали оғир, шунинг учун шаҳар партия комитети, район партия комитетлари олдида ёшларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, уларнинг ҳаётини маънавий ва руҳий бойитиш ишидаги асосий сиймо сифатида ўқитувчиларнинг ролини, обрўйини қайта тиклаш вазифаси турибди.

Шаҳар ёшларининг аксарият қисми Олий ўқув юртлари шаҳарчасида тўпланган. XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси қарорини бажара бориб шаҳар партия комитети, совет, касаба уюшмаси, комсомол органлари, жумҳурият Халқ таълими вазирлиги иштирокида Олий ўқув юртлари шаҳарчасини ижтимоий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Мазкур дастур талабалар ва ўқитувчилар ўртасида кенг муҳокама қилингандан сўнг тасдиқланган эди.

Халқ таълими вазирлигининг, шаҳар партия ва совет органларининг вакиллари таркибига кирган шаҳар мувофиқлаштириш кенгашининг ташаббуси билан ўтган бир ярим йил ичида Тошкент политехника институтининг ва Тошкент Давлат дорилфунунининг талабалари ётоқхоналаридаги 1 миллион 900 минг сўмликдан зиёдроқ ремонт ишлари амалга оширилди. Фақат ана шу олий ўқув юртларининг ётоқхоналаридагина қарийб 900 минг сўмлик мебеллар, ускуналар, турли жиҳозлар ўрнатилди. Шунингдек Олий ўқув юртлари шаҳарчаси ҳудудида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Буларнинг ҳаммаси талабалар муҳитида қулай маънавий-психологик вазият вужудга келишига хизмат қилди.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда олий ва ўрта малакали мутахассисларни тайёрлаш савияси ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Ҳамма ўқув жамоаларида ҳам ижодий, ўзаро талабчанлик, юксак уюшқоқлик ва интизом вазияти вужудга келтирилган эмас. Шунинг учун яқин даврдаги энг асосий вазифалардан бири ўқув муассасаларида соғлом маънавий, психологик муҳитни шакллантиришдан иборатдир. Талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни - уларнинг сиёсий фаоллиги ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб қайта қуриш, байналмилалчилик ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга алоҳида урғу бериш, уларда мамлакатимизда ва жумҳуриятимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида тўғри тушунчани шакллантириш зарур.

Ишларнинг бир йўла ҳам байналмилал тарбияга, ҳам миллий ўз-ўзини англашга, халқнинг маънавий анъаналарини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга хизмат қилувчи янгидан-янги шаклларини изланиш лозим.

Шаҳарда ташкил этилаётган миллий-маданият марказлари, шаҳарда жумҳурият турли областлари кунларининг ўтказилиши, Иттифоқнинг қардош республикалари билан кўп томонлама алоқаларнинг ривожланиши ана шу ғояга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги Қонунининг қабул қилиниши ўзбек халқининг бой маданиятини янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ўзбек тилига давлат мақоми тўғри берилганлиги шак-шубҳа уйғотмайди. Жумҳуриятимиз туб миллати вакилларининг аксарият кўпчилиги ўз тили ва урф-одатларини қадрлайди, айни вақтда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқларнинг тилига, рус тилига, уларнинг миллий анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлади. Шунинг учун шаҳар партия комитетларининг, мафкура соҳасидаги фаолларининг нуқтаи назари бир: тил ёки бошқа бирор баҳона асосида халқлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга ҳар қандай уринишлар қатъиян қораланиши, уларнинг олди олиниши керак.

Партия ташкилотлари совет ватанпарварлиги ва байналмилалчилик ғояларини тарғиб қилишни, СССР Иттифоқини мустаҳкамлашни, ҳам Ўзбекистон ССР, ҳам СССР давлат байроқларига ва бошқа рамзларига, турли миллатлар ва эллатларнинг манфаатларига ва маънавий эҳтиёжларига ҳурмат туйғусини тарбиялашни кучайтиришлари лозим. Миллий-маданият марказларини ташкил этиш тажрибасини давом эттириш, тегишли нашрлар ва адабиётлар чиқарилишини йўлга қўйиш керак. Шаҳар партия комитети «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг босқичма-босқич амалга оширилишини партиявий раҳбарлик билан таъминлаш, миллатлараро муносабатларнинг ана шу ғоятда нозик соҳасида хатоларга йўл қўймаслиги лозим.

Шаҳар партия комитети бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ўз муносабатларини ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб белгилайди, улар қонунларга, демократия нормаларига ва ҳуқуқларига риоя қилганлари ҳолда улар билан ҳамкорлик қилиш тарафдоридир.

Ҳозир шаҳарда бир қанча ижтимоий-сиёсий ташкилотлар вужудга келди. «Бирлик», «Ўзбекистон эркин ёшлари иттифоқи», «Эрк», «Ўзбекистон демократик ҳаракати», «Байналмилал иттифоқ» ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Бу ташкилотлар билан олиб борилаётган иш тажрибаси баъзи хулосаларни чиқариш имконини беради. Бу гап аввало партия комитетлари фаолиятининг сиёсий шаклларини ва усулларига тааллуқлидир. Вазиятнинг мураккаблиги, янги шароитда ишлашга умумий тайёргарликнинг етарли эмаслиги, баъзан маъмурий усуллардан фойдаланишга олиб келмоқда. Партия органларининг, айниқса район ва бошланғич бўғинларнинг бу йўналишдаги иши ҳозирги кун талабларига монанд эмаслигини тан олиш зарур. Норасмий ташкилотлар билан алоқа боғлаш кичик доирадаги кишилар ихтиёригагина бериб қўйилган, ваҳоланки, келгусидаги кўппартиявилик шароитидаги иш рўй бераётган мунозараларга мумкин қадар кўпроқ коммунистларни ва барча профессионал ходимларни фаол жалб этишни талаб қилади. Янги ижтимоий-сиёсий тузилмалар билан ўзаро муносабатлар йўлини излаш билан бир қаторда шаҳар партия комитети олдида анъанавий тарзда таркиб топган жамоат ташкилотлари, касаба союзлари, комсомол, хотин-қизлар, ветеранлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш формаларини шакллантириш вазифаси ҳам вужудга келди.

Кейинги пайтларда касаба союз ташкилотлари жамиятдаги ўз ролларини қайта кўриб чиқиш соҳасида жиддий қадамлар қўйиб, оммa орасида иш олиб боришнинг янги стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқмоқдалар. Ҳаракатларда мустақилликнинг эълон қилиниши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида хилма-хил, ўзларига хос бўлмаган вазифалардан аста секин воз кечиш, эътиборни меҳнаткашларнинг социал ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратиш шулар жумласидандир.

Шунга мувофиқ шаҳар партия ташкилотлари ҳам касаба союз органлари билан ўзаро муносабатларни қайта кўриб чиқишлари керак. Ҳозирги сиёсий вазиятда касаба союзларига таъсир кўрсатиш учун аввало «раҳбарлик»нинг илгариги андозаларидан воз кечиш, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда касаба союзларини актив шерик деб тан олиш керак. Партия сиёсатини касаба союзларининг сайлаб қўйиладиган органларида ишловчи коммунистлар орқали амалга ошириш керак бўлади. Партия комитетлари айни шу йўлдан боришлари лозим.

Жамиятимизнинг янгилаш ишига комсомолларни, йигит ва қизларнинг ҳаммасини ҳақиқатан ҳам жалб этиш масаласи жиддий қилиб қўйилмоқда. Ҳозирги шароитда шаҳар партия комитети парткомлар, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ёшлар орасида рўй бераётган жараёнларни чуқурроқ ўрганишлари, уларда кекса авлод танлаб олган социалистик йўл ғояларини қарор топтириш зарур.

Биз ёшларнинг мустақилликка интилишларини қўллаб-қувватлаймиз, чунки бусиз чинакам граждан, ватанпарвар, байналмилалчининг камол топиши мумкин эмас. Партия ва комсомол ташкилотларининг ўзаро муносабатлари аввало ғоявий бирликка, коммунистик ёшлар союзининг ташкилий мустақилликни тан олишга, ўзаро ҳурмат ва ўртоқларча ишончга асосланиши лозим.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари комсомолга, ёшларнинг социалистик йўлни қўллаб-қувватловчи бошқа ташкилотларига таянишлари, уларнинг ёшларни тарбиялаш соҳасидаги фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари, уларни КПССнинг ёшларга онд сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилишлари керак. КПСС янги Уставининг лойиҳасида мустаҳкамлаб қўйилган бу позицияни шаҳар коммунистлари маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар. Ишнинг янги йўллари биргаликда қидириб топилиши лозим. Шаҳар партия комитети ёшларга онд сиёсатни ишлаб чиқишда, амалга оширишда комсомол ниҳоятда фаол, жўшқин иштирок этишидан ғоят манфаатдордир.

Комсомол ташкилотларининг майда-чуйда ишларига аралашаверишдан қатъиян воз кечиб, бу ташкилотларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиб ва тан олиб, шаҳар комсомол ташкилотини партия сафларини тўлдиришнинг энг ишончли резерви деб билиш, ёшларнинг қайта қуриш жараёнидаги иштирокини фаоллаштиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш зарур.

Ёшлар билан олиб бориладиган энг шу ишда шаҳар партия комитети тарихнинг жонли тимсоли бўлган ветеранларимизнинг билими, тажрибаси, ғоявий чиниққанлиги катта фойда келтиради деб умид қилади. Ҳозирги вазифалар ҳар қанча янги ва мураккаб бўлишига қарамай, биз кексаларнинг, кекса авлодга мансуб коммунистларнинг тажрибасидан қайта қуриш ишида моҳирона фойдаланишимиз, уларни жорий ишларни бажаришда, ёш авлодни тарбиялашда баҳоли-қудрат қатнашишга жалб қилишимиз керак.

Партия ташкилотларининг ғоявий-сиёсий ишида ҳуқуқий тарбия масалалари, қонунларга ҳурматсизликни бартараф этиш тобора катта аҳамият касб этмоқдаки, бусиз маданий жамият қуриш мумкин эмас.

Жиноятчиликнинг, айниқса оғир жиноятларнинг, гражданлар ҳаёти ва шахсий мулкига тажовузларнинг кўпайиб бораётганлиги шаҳар аҳолисининг ҳақли газабини қўзғатмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари моддий аҳволини яхшилаш, раҳбарлар составини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган тадбирлар, бу ишда корхоналар ва ташкилотларнинг, жамоатчиликнинг фаол ёрдам кўрсатаётганлиги туфайли аҳволни барқарорлаштиришга, жиноятларнинг олдини олиш ишлари самарадорлигини оширишга эришилди. Маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобига жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча бўлинмалар тузилди, участка инспекторларини ҳимоя қуроллари билан таъминлаш яхшиланди. Панадаги иқтисодиётга қарши қураш олиб борилмоқда. Милицияга кўмаклашувчи ишчи отрядларининг, бошқа жамоатчилик тузилмаларнинг самарадорлиги оширилди. Ана шу ва бошқа бир қатор тадбирлар қонуннинг устунлигини таъминлаши керак.

(Охири 4-бетда).



⊙ СУРАТЛАРДА: XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида.

Т. Каримов ва Р. Шарипов суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ, ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДАГИ

ҲИСОБОТИ

(Охири. Боши 2- ва 3-бетларда).



⊙ СУРАТЛАРДА: XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида. Т. Каримов ва Р. Шарипов суратлари.

Партия комитетлари ва ташкилотлари сиёсий иш усуллари билан барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, шаҳардаги ҳар бир аҳолининг қонунни ҳурмат қилишига эришмоқлари зарур.

Қонунга, гражданларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларига оғишмай риоя қилиш ҳақида гапирар эканмиз, Ватанни ҳимоя қилиш, ҳарбий бурчни бажариш билан боғлиқ бўлган конституцион вазифалар устида ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Кейинги пайтларда ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан, йигитларнинг ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ кўпгина муаммолар вужудга келди. Бу хусусдаги мулоҳазалар хилма-хил, кўп жиҳатдан бир-бирига зиддир. Аммо умуман, шаҳар партия комитети истиқболда профессионал армия тузиш ғоясини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўсмирларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашни тубдан қайта қуриш тарафдори эканлигини изҳор қилади. Айни вақтда коммунист депутатлар орқали ҳарбий қурилиш қисмларига чақириладиган ёшлардан республика территориясида фойдаланиш масаласининг ҳал этилишига эришиш зарурати етилди. Бошқа ҳолларда барча даражалардаги партия комитетларининг юртдошларимиз хизмат қилаётган қисмларнинг командирлари, сиёсий ходимлари билан алоқаларни кенгайтиришлари ва мустаҳкамлашлари, уларга ўз диёри билан кенг алоқалар қилиб туриш учун қулай шароит яратишлари лозим.

Қайта қуриш жараёнининг жўшқинлиги, бутун сиёсий системанинг демократиялашуви партиянинг ўзини тубдан ислоҳ қилиш, унинг вазифалари ва иш методларини, унинг бутун қиёфасини тубдан ўзгартириш масаласини жиддий қилиб қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленуми таъкидлаганидек, партиянинг ўзи тубдан қайта қурилмаса, ҳозирги замон шароитида сиёсий иш санъатини эгалламаса, қайта қуришнинг барча кучлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қила олмаса сиёсий авангардлик вазифасини бажара олмайди.

Кейинги пайтларда партия органлари шанига айтилаётган танқиднинг кучайиб бораётганлиги партиядаги қайта қуриш бутун жамиятнинг янгиланишидан иборат жараёнлардан орқада қолаётганлигини кўрсатмоқда. Партия аппаратининг эскириб қолган структураси (бунда ҳатто техника ходимларининг штатлари ҳам фақат Марказий Комитетда тасдиқланаётир), номенклатурадаги кадрларни тасдиқлашнинг бесўнақай механизми, қарорларни қабул қилиш пайтида ҳамон давом этаётган айрим партия ходимларининг бюрократизми, партия аппаратининг волюнтаризми ва буйруқбозлиги, қуйи бўғинлар билан маслаҳатлашмаслик оқибатида партия ички турмушининг демократиялашуви анча суст лашмоқда. Партияда яккаҳокимлик режимининг мавжудлиги бошланғич ташкилотлар билан раҳбар органлар ўртасидаги муносабатларнинг жиддий бузилишига сабаб бўлди, аслида коммунистларни партия сиёсатини шакллантиришдан четлаштириб қўйди, уларнинг юқори партия комитетлари фаолиятига таъсирини заифлаштирди.

Шаҳар партия комитети бу соҳада ҳеч қандай иш қилмаётир деб бўлмайди. Сайлаб қўйиладиган органларнинг партия аппарати фаолиятига таъсирини кучайтириш мақсадида шаҳар партия комитетининг ва район партия комитетларида уларнинг аъзоларидан партия ишининг йўналишлари бўйича комиссиялар тузилди.

Улар коллегиал ташкилотлар қабул қилган қарорларни тайёрлаш ишига муайян ҳисса қўшдилар. Тошкент шаҳар партия комитети ташаббусига кўра шаҳар партия комитетлари аппаратлари структурасини қайта тузиш бошланди. Ходимлар сонини умуман қисқартирган ҳолда қатор сайлаб қўйиладиган органлар ва доимий комиссиялар аъзоларининг меҳнатига улар асосий ишдан озод қилинган ҳолларда партия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш кўзда тутиляпти. Бошқача қилиб айтганда, аппарат партия комитети бўлимларидан иборат бўлган, қотиб қолган шакллардан қочиш, уни юқори малакали мутахассислардан группаларга бирлаштириб тузиш зарур, бу группаларнинг асосий вазифаси сайлаб қўйилган партия органлари комиссияларини касбига кўра иш билан таъминлашдир. Штатларга келсак, айтарли зарар етказмаган ҳолда ўринларни анча-мунча қисқартириш, бунда партия комитетларига иш ҳақи ҳажмидан келиб чиқиб маъқул йўлни танлаш имконини бериш мумкин.

Аммо бу тадбирларнинг ҳаммаси кифоя эмаслиги аён. Ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқларини имкони борича кенгайтирмай туриб, партия комитетлари коммунистларнинг фаоллигига эриша олмаслиги яққол сезилиб турибди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларида кейинги ўн йилликлар мобайнида партияни тубдан янгилаш, партиявий оммани ҳокимият билан таъминлашнинг аниқ йўналишлари биринчи бор жиддий кўрсатиб берилганлигини таъкидлаш зарур. Айнан шунинг учун ҳам съездолди ҳужжатлари коммунистлар ва шаҳар аҳолиси ўртасида шу қадар манфаатдорлик билан муҳокама этилди.

Фикр ва мулоҳазаларнинг турли-туманлигига қарамай шаҳар коммунистларининг асосий кўпчилиги Устав лойиҳасидаги бошланғич партия ташкилотларининг ўз аниқ ҳаракат дастурига эга бўлиш, партияга қабул қилиш ҳамда унинг сафларидан чиқариш масаласини ҳал этиш, ташкилий тузилишни танлаш, партия йиғилишлари тартиби ва ўтказилиш даврини белгилаш, аъзолик бадалларининг бир қисмидан фойдаланиш бошланғич ташкилот нуфузини оширувчи бошқа ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берувчи қоидаларга ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлишяпти.

Етилган муаммоларнинг кўплиги ва мураккаблиги шу даражада кенг миқёс касб этганки, уларни барча коммунистларнинг биргаликдаги заковатли ишлари асосидагина ҳал этиш мумкин.

Шу муносабат билан кўплаб партия аъзолари партия конференцияларини мунтазам ўтказиб туриш анъанасига қайтишни таклиф этмоқдалар. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси бундай анжуманлар партия ҳаётида қанчалик самарали аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, янгича шароитда коммунистларнинг сиёсий фаолияти муаммоларини кенг партия фаоллари муҳокамасига мунтазам қўйишдек 70-йиллар тажрибасини тиклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шаҳар партия фаоллари бошланғич партия ташкилотлари қотибларининг анъанавий семинарларини, сайланган фаоллар ўқувини яхши эслашади, шаҳар партия комитетининг янги таркиби секретарлари бу ишни сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтарган ҳолда қайтадан йўлга қўйишлари зарур.

Партияни янгилаш жараёнида демократик централизм принципларининг бузилиши билан боғлиқ КПСС ташкилий тузилишидаги нуқсонларни бартараф этиш жуда муҳим вазифа саналади. Маълумки, тарихнинг айрим босқичларида демократик централизм ўрнини бюрократик централизм эгаллади. Бошланғич партия ташкилотлари, оддий коммунистлар эса партия фаолиятининг мазмунига бевосита таъсир этиш имкониятидан маҳрум бўлдилар.

Келиб тушаётган таклифларни таҳлили шуни кўрсатадики, Тошкент коммунистлари демократик централизмнинг чинакам ленинча принципларини қайта тиклаш, то қарор қабул қилингунча эркин фикр юритилишини, қарорларни амалга оширишда ҳаракатлар бирлигини таъминлаш зарурлигини қўллаб-қувватлаяптилар.

Афтидан, КПСС Марказий Комитети асосий, туб масалаларни ҳал этишга эътиборни кучайтирса, умумий мақсадни аниқ белгиласа, тўғри бўлади, унга эришишнинг йўллари, шакллари ва воситаларини эса, муайян шароитдан келиб чиқиб, маҳаллий партия органларининг ҳаракат эркинлигини таъкидлаш орқали жойларда излаш зарур. Шаҳар партия комитети ҳам қуйи партия ташкилотларига нисбатан худди шундай ҳаракат қилган бўлур эди. Ишга бундай ёндошиш партия қарорларини бажаришда партиянинг барча бўғинлари мустақиллигини амалда ошириш имконини беради.

Шу мавзуни давом эттириб турли даражадаги партия комитетларининг ўзаро муносабатлари масаласига тўхталиш зарур.

Бир қатор район конференцияларида, бошланғич партия ташкилотларидаги йиғилишларда партия Марказий Комитети билан район комитетлари оралиғида иккита структуравий бўғин бўлиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида турли фикрлар айтилди. Дарҳақиқат, Тошкент область партия ташкилоти умумий сонининг 60 фоизини шаҳар коммунистлари ташкил этади. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрининг партия комитетлари структура жиҳатидан шаҳар партия комитетига, шаҳар комитети эса ўз навбатида область партия комитетига бўйсунади. Бунинг натижасида райкомлар фаолиятига раҳбарлик қилиш шаҳар партия комитети томонидан ҳам, айни пайтда бевосита область партия комитети томонидан ҳам амалга оширилади. Бу кўп ҳолларда кераксиз қайтариқларга, ҳужжатбозликнинг кўпайишига олиб келади, партия ходимларини одамлар билан ишлашдек жонли ишдан чалғитади. Район партия комитетлари шаҳарда амалда икки партия комитетига бўйсунади, бу дуч келган масалаларни тезда ҳал этишга тўсиқлик қилади.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар партия комитетига масалаларни ҳал этиш учун бевосита Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига чиқиш ҳуқуқи билан область партия комитети мақомини бериш мақсадга мувофиқлиги хусусида ўйлаб кўрилса маъқул бўлур эди.

Бошланғич партия ташкилотларининг «территориал-ишлаб чиқариш» принципи асосида тузиш масалалари анча қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Бошланғич партия ташкилотининг меҳнат коллективлари таъсири кучайтириш, нуфузини ошириш зарурлиги шаҳар коммунистларида шубҳа туғдирмайди. Уларнинг кўпчилигида омма билан сиёсий ишлаш борасида анча-мунча ижобий тажриба тўпланган.

Айни пайтда СССР, республика, маҳаллий Советлар халқ депутатларининг сайловлари турар жой массивларида, бевосита яшаш жойларида ишни ташкил этишдаги қусурларни яққол кўрсатди. Шу муносабат билан аҳоли яшайдиган жойларда сиёсий иш алоҳида долзарблик касб этади. Афтидан, ишнинг амалий усулларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати етилганга ўхшайди. Партия ташкилотлари вужудга келган шароитда фаолиятнинг илмий асосланган тавсияларига жуда-жуда муҳтождирлар. Шаҳар партия комитетининг янги таркиби олдида партия ташкилотларининг яшаш жойларида ҳам меҳнат коллективларидан кам бўлмаган даражада таъсирини таъминлайдиган ҳаётбахш иш шаклларини ишлаб чиқиш вазифаси турибди.

Шаҳримизнинг аксарият коммунистлари ҳозирги жамиятда партиянинг мавқеи ҳақидаги туб масалаларни муҳокама қилишар экан, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасидаги, эндиликда КПССнинг раҳбарлик ҳуқуқи энг аввало амалий ишларда, партиянинг маънавий обрўйи билан, муаммоларни оқилона ҳал эта билиш қобилияти билан исботланиши хусусидаги жуда муҳим қоидани таъкидламоқдалар.

Съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш жараёнида айрим коммунистлар ниҳоятда кескин, баъзи ҳолларда партия кадрлар сиёсати ҳақида тўла асосланмаган мулоҳазаларни баён этишяпти, бундай мунаққидлар кўпинча системадан, бошқарув аппарати структурасидан мутлақо воз кечишгача бориб етмоқдалар.

Маъмурий-буйруқбозлик системасини қўпоришни партияда кадрлар ишини изчил, собитқадамлик билан олиб бориш билан боғлайдиган кишиларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Ахир сиёсат одамлар орқали ўтказиладику—бу ленинча принципиал қонда. Бирорта ҳам сиёсий партия ўз мақсадларини кадрлар сиёсатисиз амалга оширишга қодир эмас. Агар партия кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида муҳим позицияни бой берса, у ҳолда бу вазифани бошқа кучлар ўз зиммасига олади, табиийки, уларнинг мақсади билан бизнинг мақсадимиз ўзгача. Бу ўринда гап кадрлар масаласини партиянинг сиёсий арсеналидан олиб қўйиш ҳақида эмас, балки уни жамиятни қайта қуриш ва янгилаш йўлида тўла мос келтирилиши ҳақида боряпти.

Бу ўринда ҳам бошланғич партия ташкилотлари унинг мавқеи беқиёс даражада ўсиши керак, зотан унинг бевосита иштирокидагина раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда демократик ёндашувлар таъмин этилиши мумкин.

Конференцияда кадрлар ишини, кадрлар масаласини ҳал этишда қуйидан юқорига — юқори партия комитетларидан, бошланғич партия ташкилотларидан вакилларни қисман юбориш йўли билан йўналтиришда галдаги қадамлар хусусида муҳокама юритиш имкони туғилади. Эҳтимол, шаҳар партия комитети, район партия комитети ҳисобидаги кадрларни оптималлаш ва анча қисқартириш мақсадида яна бир марта қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Кадрларни келишиб олиш системасини ҳам тубдан қайта кўриш пайти келди. Қуйи жойларда кўтарилаётган ўртоқни суҳбатдан ўтказиш ва у ҳақда турли мулоҳазалар тўплаш тажрибаси қаттиқ танқид қилиняпти.

Кадрларни танлашга жиддий муносабат ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатларини аввалдан, янги лавозимга кўтарилмасдан олдин, резерв даражасида ўрганиш керак: бунда қуйи партия комитетлари ва ташкилотларига, улар берадиган характеристикага ишониқ керак. Бир инсон ҳақида ундан-бундан олинган расмий мулоҳазалар ва ўн минут нари-берисидан суҳбатга таяниб фикр қилиш — нари борса ножиддий. Ёзилган мулоҳазаларни атайлаб тўплаш мумкин, ўн минутлик суҳбатда эса ходимни билиб бўлмайди.

Шу муносабат билан конференция номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тавсия этилаётган ўртоқларга мулоҳазаларни тўплаш тажрибасини бекор қилиш, суҳбатлашувни эса танишиш мақсадида ва ишда муваффақият тилаш маъносида сайланганидан ёки тайинланганидан кейин ўтказиш ҳақидаги таклиф билан чиқсак бўлади.

Маъмурий-хўжалик раҳбарларидан сиёсий бошқариш усулига ўтиш кадрларнинг ишчанлик, касб малакаси оширилишини, партия қурилиши, социология, психология, педагогика соҳаларида чуқур билимга эга бўлишни, ташкилотчилик, энг муҳими эса омма орасида, жумладан, одатдан ташқари ҳолатларда сиёсий ишлашнинг замонавий вакилларини ва усулларини эгаллай билишни тақозо этади.

Биз партия фаоллари, кадрлар ҳақида гапира туриб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейинги пленумларида йўл қўйилган хатолардан сабоқ чиқариб олишимиз ва бундан эҳтиёт бўлишимиз лозим. Партия ички ҳаёти, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги салбий кўринишларга барҳам бериш учун қатъий кураш, покланиш учун шарт бўлган зарурий кураш сари олинган йўлни ходимларни ҳеч бир асоссиз ва ноўрин камситишларга айлантириб юбормаслик зарур. Бизнинг олдимизда партиянинг кадрлар ишининг кўпгина жиҳатларини янги демократик мазмун билан тўлдириш, уларни қайта қуриш ва жамиятни янгилаш йўлига мувофиқ тарзга келтириш вазифаси турибди.

Партияни ғоявий ва ташкилий янгилаш унинг сафларини сифат жиҳатдан ўзгартириш билан ҳамоҳанг бўлмоғи лозим. Бу жараён кейинги пайтларда анчайин демократик руҳ касб этаяпти, унинг марказига бошланғич партия ташкилоти, меҳнат жамоаси жипслашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг қайта қуриш ҳамда сиёсий ислоҳот шароитида партия сафларини мустаҳкамлаш ва КПСС составини янгилаш ҳақидаги қарорига биноан область партия ташкилотида 1989 йилнинг октябридан бошлаб партия сафларига қабул юзасидан тажриба олиб бориляпти. Шу муддат мобайнида шаҳар партия ташкилотида 855 киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 299 нафар кўп. Янги аъзоларнинг таркиби шуни кўрсатадики, партия аъзолигига етук, сиёсий билимдон, ўз тақдирини КПСС ва мамлакат ҳаётидаги мураккаб ҳамда зиддиятли даврда партия билан боғлашга онгли равишда аҳд қилган кишилар киришаяпти. Фан, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи партия ташкилотлари ўз сафларини фаол тўлдирмоқдалар.

Шу билан бирга маълумотлар гувоҳлик беришича, умуман олганда бошланғич партия ташкилотлари партия кучларига эҳтиёжни суст таҳлил қиляптилар. Ўз сафларини тўлдириш масалаларига тасодифий ёндошмоқдалар. Айниқса, моддий неъмат ишлаб чиқариш соҳаси партия ташкилотларидаги қабул натижалари жиддий ташвиш уйғотади, 6 ой мобайнида партия сафларига атиги 163 ишчи (жами қабул қилинганларга нисбатан 19,1 фоиз) қабул қилинган, бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 40 фоиз кам. Тажриба бошлангандан буён Собир Раҳимов район партия ташкилотида фақат тўрт ишчи, Ленин районида-7, Акмал Икромов ва Киров районларида 9 нафардан ишчи партияга қабул қилинган.

Партия сафларини мустаҳкамлаш ҳақида гапирар эканмиз, КПССдан чиқиш хусусидаги муаммо тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас. Ҳисобот даврида 476 коммунист партия билетларини топширишди, шулардан 309 нафари кейинги олти ой мобайнида партия аъзолигидан воз кечди, уларнинг ярми ишчилардир. Партиядан кетганларнинг муайян қисми КПСС сафида бўлиш орқали қандайдир афзалликларни кўзлаган замонасоз кишилар. Юқоридан берилган нормага кўра, партия сафларига ижтимоий келиб чиқишига қараб қабул қилинган кишилар ҳам партия билетларини топширмоқдалар. Булар, КПССга эътиқодига кўра кирмаган, шунинг учун улар партиядан ҳеч бир афсусланмай кетмоқдалар. Лекин учинчи тоифа кишилар ҳам борки, улар партия учун астойдил ачинадилар, партиянинг хато ва камчиликларидан куюнадилар, ҳозирги туб бурилиш даврларида ўз бошланғич ташкилотларида кўплаб саволларга аниқ ва тиниқ жавоб тополмаганлар. Бундай одамлар учун курашишимиз керак ва курашамиз.

Ҳозирги вазият шаҳар партия комитетининг янги составидан барча сайланган органдан ўз фаолиятини ишчанлик муҳитида содир бўлаётган жараёнларни пухта таҳлил этиш асосида қуришни талаб этади.

Шаҳар партия ташкилотида ишлар ядросини мустаҳкамлаш мақсадида қатор партия ташкилотларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигида партияга ишчилар чақиришни эълон қилиш ҳақидаги таклифларини конференцияда муҳокама этиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги икки йил ичида партия сафларининг тозаланишига коммунистларнинг аттестацияси ҳам фаол таъсир этди. Ундан қарийб 43,5 минг партия аъзоси ўтди. 3177 коммунист шартли равишда аттестация қилинди, 695 коммунист аттестациядан ўтолмади, 2943 киши партиявий жазо олди, 413 киши партия сафларидан ўчирилди. Умуман аттестация шаҳардаги кўплаб партия ташкилотларининг маънавий покланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бироқ КПСС Устави лойиҳасига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олсак, коммунистлар билан якка-якка ишлашнинг бошқа шаклларини ўйлаб кўриш, бунда партияни чинакам коммунист бўлмаган аъзоларидан халос этиш ҳақида ўйлаш зарур. Бу фикр ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар давомида бир неча бор айтилди.

Умуман, шуни таъкидлаш керакки, жорий йилда ҳисобот-сайлов йиғилишлари биринчи марта кенг демократия шароитида ўтказилди. Йиғилишларда коммунистларнинг фаоллиги ошганлигини ижобий ҳол сифатида тилга олиш керак. Партия аъзоларининг аксарият кўпчилиги рўй бераётган жараёнларга шахсан даҳлдорлик туйғуси билан гапиришди. Ҳар бир партия ташкилоти фаолиятида партиянинг барча бўғинларида ўзгаришларга чанқоқлик сезилди. Йиғилишлар ва конференцияларнинг бош мавзуи партиянинг келажаги, жамиятдаги ўрни ва мавқеи, қайта қуришдаги вазифаси ҳақида бўлди. Коммунистлар йиғинлари давомида партия ишининг мазмуни ва услубини қайта қуришда кўпроқ аниқлик даркор, етилган ижтимоий муаммоларни ҳал этишни тезлаштириш зарур деган фикрларни баён этишди. Буларнинг ҳаммаси шаҳар партия комитети янги составининг жанговарлик, ваколатига, иқтидорига боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда партия мамлакатимизда рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар характерига жавоб берувчи янги сиёсий қиёфани ишлаш, туб қайта қуришнинг қийин ва зиддиятли жараёнини бошдан кечирмоқда.

Аммо партияни янгилаш — айрим радикалчилар тавсия этаётганидек, асосий принциплардан кўр-кўрона воз кечиш эмас, балки ўз хатосини тўғрилаш, асл сарчашмага қайтиш, шу орқали покланиш демакдир.

Биз одамларнинг қайта қуришга ишончини аниқ ишлар, аниқ натижалар билан мустаҳкамлашимиз керак.

Дадиллик ва изланувчанлик, ижодкорлик ва шижоат, юксак масъулият ва уюшқоқлик — булар айни пайтда ҳар бир партия ташкилотидан, ҳар бир коммунистдан талаб қилинаётган ҳислатлардир.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ

(Тошкент Давлат Университетининг маданият саройи биносида)

12, 19 МАЙ КУНИ СОАТ 19.00 ДА

САИД АҲМАД асари

ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ

(2 пардали ҳазил)

Бош ролда — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати

ЗАЙНАБ САДРИЕВА.

Танаффус вақтида: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Егор САЪДИЕВ, Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Санда РАМЕТОВА, артистлар: Муножот ТЕШАБОЕВА ва Шавкат ТОЛИПОВЛАР куйлайди.

Билетлар «Ёш гвардия» театри кассасида соат 10.00 дан 19.00 гача сотилади.

Оммавий буюртмалар қабул қилинади.

Жавоб берувчи телефон: 44-56-52, 44-11-70.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

12—13 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁУ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ЁШЛАР УИИ»

СИЗ, АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИНИ

СОВЕТ-ҲИНД ДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ

«Дўстлик тароналари»

КАТТА КОНЦЕРТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Эътиборингизга «Камолот-89» жумҳурият кўриги ғолиби, хушовоз хонанда МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ раҳбарлигидаги «НИҲОЛ», шунингдек фестиваль ва ойнаи жаҳон орқали таниш бўлган О. К. ШАРМА раҳбарлигидаги «МАҲЭК» ансамблари ўзларининг биргаликдаги программаларини тақдим қиладилар.

Ўйлаймизки, бу томошалар сизга албатта маъқул бўлади.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда. Кўпчилик бўлиб келиш учун аризалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/V да **Ўзбекистон хореография билим юрти ўқувчиларининг ҳисобот концерти** (18.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 12/V да **Табассум оқшоми.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да **Фармонбиби аразлади** (19.00, ТошДУнинг Маданият саройи биносида).

КИНО

12, 13 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (катта зал, 16, 18.30, 20.40); «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (16, 18.30, 21.00).

Нукус — «ҲАҚГЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «УЧРАШУВ» (16, 18.30, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 18.30, 21.00).

Фестиваль — (ёзги) — «ТАЗИҚ ОСТИДА» (20.10).

ДИҚҚАТ!

Қўлда ясалган ва антиқий автомобиллар ва мотоциклларнинг эгалари

12 майдан 20 майгача

қуйидаги манзилда жойлашган шаҳар автомотоҳаваскорлар жамиятига мурожаат қилишлари зарур: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 27-уй, 9-корпус, 21-квартира.

56-44-43, 56-71-37 телефонлари орқали қўшимча маълумот олиш мумкин.

Тошкент шаҳар молия бошқармаси ва Ҳамза ноҳия молия бўлими бош солиқ тафтиш назоратчиси

Адҳам ҚАМБАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур таъзия билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Куйбишев район соғлиқни сақлаш бўлимининг 14-шаҳар болалар касалхонаси жамоаси касалхона бош врачи

Мукаррам Ёқубовна АКБАРОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — **(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р-04246.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.